2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 127 (649), 2022 йил 28 июнь, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Ҳурматли оммавий ахборот воситалари ходимлари!

Қадрли дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни, соҳа ривожига бугун ҳам муносиб ҳисса қўшиб келаётган муҳтарам фахрийларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни байрами билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва энг эзгу тилакларимни изҳор қиламан.

Биз оммавий ахборот воситалари ходимлари тимсолида ўзининг чуқур билим ва тажрибаси, ноёб истеъдод ва маҳоратини халқимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, одамларнинг онгу тафаккурини юксалтириш, жамиятимизда очиқлик ва ошкоралик муҳитини мустаҳкамлаш, глобал ахборот маконида миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишдек олижаноб ишларга бағишлаган жонкуяр ва заҳматкаш инсонларни кўрамиз.

Жонажон Ўзбекистонимиз ўз тараққиётининг янги ва муҳим босқичига қадам қўяётган ҳозирги даврда медиа соҳаси вакиллари — журналист ва муҳаррирлар, режиссёр ва операторлар, блогерлар, теле-радио каналлар, газета ва журналлар, нашриёт ва босмахона ходимлари Ватанимизнинг демократик қиёфасини шакллантириш, уни дунёга тараннум этишга беқиёс ҳисса қўшиб келаётганини эл-юртимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Муҳтарам юртдошлар!

Кейинги йилларда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини халқ билан мулоқотнинг ишончли кўпригига айлантириш, замонавий ахборот хизматлари бозорини, соғлом рақобатни ривожлантириш, медиа тармоқларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, устоз-шогирд анъаналарини кучайтириш, соҳа ходимларининг машаққатли меҳнатини муносиб рағбатлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ана шундай юксак эътибор туфайли юртимизда оммавий ахборот воситалари сони 2016 йилга нисбатан қарийб 30 фоизга ортиб, 1962 тага етгани диққатга сазовордир. Айниқса, хусусий медиа воситалари ҳаётимиздан кенг ўрин эгаллаб бораётгани жамиятимизда фикрлар хилма-хиллигини таъминлашда, туб ислоҳотларни амалга оширишда, жойларда йўл қўйилаётган камчилик ва муаммоларни дадил кўтариб чиқишда муҳим омил бўлмоқда.

Бу ҳақда сўз юритганда, телевидение ва Интернет тармоғини интеграция қилиш мақсадида замонавий интернет платформаси ва унинг мобиль иловаси ташкил этилгани, миллий ахборот маконимизда интернет нашрларининг сони сўнгги 6 йилда салкам икки баробар кўпайиб, 677 тага етганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Натижада давлат ва нодавлат ташкилотларининг ахборот манбалари янада ортиб, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот қилиш, одамларни ўйлантираётган муаммоларга тезкор муносабат билдириш, турли мавзулар бўйича очиқ, холис ва танқидий фикр билан чиқишда катта имкониятлар пайдо бўлмоқда.

Ахборот соҳасида миқдор кўрсаткичларини сифат кўрсаткичларига айлантириш, миллий журналистикамиз тараққиётини янги босқичга олиб чиқиш — олдимизда турган долзарб вазифадир.

Ўзбекистон медиа компаниялари ҳам жаҳон ахборот майдонида муносиб ўрин эгаллаб, глобал сиёсий-ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этишга интилмоқдалар.

Бунинг учун тинимсиз меҳнат қилиш, илғор хорижий тажрибалар, замонавий ахборот технологиялари, серқирра таҳлил усулларини ўзлаштириб, доимо изланиб яшаш, миллий журналистикамизнинг янги авлодини тарбиялаш зарур.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ўз ифодасини топган бундай юқори марраларга эришиш учун бизда барча ресурс ва салоҳият мавжуд.

Фуқароларимиз учун ахборот соҳасида қулай имкониятлар яратиш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг роли ва таъсирини кучайтириш — яна бир устувор вазифамиздир.

Шуни қайд этиш зарурки, соҳанинг моддий-техник базасини яхшилаш, ходимлар меҳнатини рағбатлантиришга бундан буён ҳам доимий эътибор қаратамиз.

Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш бўйича куни кеча қабул қилинган Президент қарори бу борада муҳим қадам бўлди. Унга кўра, оммавий ахборот воситаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, кадрлар салоҳияти ва рақобатбардошлигини янада ошириш, эҳтиёжманд ва ёш журналистларни уй-жой билан таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилади.

Шунингдек, жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида Матбуот уйларининг ҳолати танқидий ўрганиб чиқилиб, янги бинолар барпо этиш юзасидан зарур чоралар кўрилади.

Маълумки, жаҳонда эътироф этилган демократик мезонларга кўра, матбуот эркинлиги — барча фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар орасида алоҳида аҳамиятга эга. Албатта, бу соҳада ютуқлар билан бирга ҳали муаммоларимиз ҳам йўқ эмас.

Кейинги пайтда ижтимоий тармоқлар орқали баъзи жойларда оммавий ахборот воситаси ходимларига менсимай қараш, уларнинг ўз ваколати доирасида эркин фаолият юритишига тўсқинлик қилиш ҳолатлари учраётгани ҳақида хабарлар тарқалаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Шу муносабат билан яна бир бор таъкидлаб айтмоқчиман: биз барпо этаётган ҳуқуқий демократик давлатда сўз ва матбуот эркинлиги доимо Бош қомусимиз ва қонунларимиз ҳамда Президент ҳимоясида бўлади.

Оммавий ахборот воситалари ходимларининг ўз фаолиятини қонун доирасида эркин амалга оширишига тўсқинлик қилиш — бу демократик ислоҳотларимизга қарши ҳаракат, мамлакатимизнинг обрўсига путур етказиш сифатида баҳоланиши керак. Суд ва прокуратура органлари бизга мутлақо ярашмайдиган бундай салбий ҳолатлар бўйича қатъий чоралар кўриши лозим.

Бир ҳақиқатни ҳеч қачон эсдан чиқармаслигимиз керак: барчамиз демократия деб аталган буюк мактабнинг ўқувчиларимиз. Бу борада ҳали кўп нарсаларни ўрганишимиз зарур. Фарзандларимизни айни шу руҳда тарбиялашда журналистика соҳаси вакиллари, муҳтарам фахрийларимиз ўзларининг бой тажрибаси ва ибратли фазилатлари билан алоҳида намуна кўрсатадилар, деб ишонаман.

Ҳурматли оммавий ахборот воситалари ходимлари!

Бугунги байрам муносабати билан соҳа фидойиларидан бир гуруҳи давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлангани, ҳеч шубҳасиз, барча ижодкорларни янги-янги марралар сари илҳомлантириб, уларга катта ғайрат ва шижоат бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз, азиз қалам аҳлини қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор чин қалбимдан самимий табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, ижодий фаолиятингизда улкан ютуқлар, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат ва файзу барака тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

# МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда сўз ва матбуот эркинлигини ривожлантириш, халқимизнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, давлат ва жамият бошқарувида очиқлик ва ошкоралик тамойилларини мустаҳкамлаш, жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган демократик ислоҳотларни амалга оширишда фаоллик кўрсатиб келаётгани, глобал ахборот майдонида миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш, юртимиздаги яратувчилик ва янгиланиш жараёнлари, эришилаётган ютуқларни кенг тарғиб этишдаги катта хизматлари, соҳа учун малакали профессионал кадрларни тайёрлаш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш борасидаги самарали фаолияти, шунингдек, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотлансин:

### “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист” фахрий унвони билан

**Максудов Мухаммаджон** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Наманган вилояти телерадиокомпанияси директори

**Матякубова Назира Тохтабаевна** — Қорақалпоғистон Республикаси “Қорақалпоғистон тонги” газетаси бош муҳаррири

**Тошев Фармон Исхакович** — Самарқанд вилояти “Зарафшон” ва “Самаркандский вестник” газеталари бирлашган таҳририяти бош муҳаррири

### “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони билан

**Худойқулов Мухтар** — Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг медиа назарияси ва амалиёти кафедраси профессори

**Шералиев Раҳматилла** — Тошкент вилояти “Чирчиқ тонги” газетаси бош муҳаррири

### “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвони билан

**Абасханов Рихсибой Абдилазизович** — “Ёғду” нашриёти бош муҳаррири

Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

# ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, улар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кадрлар салоҳияти ва рақобатбардошлигини янада ошириш, журналистика соҳасини ривожлантириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки:

а) **2022 йил 1 июлдан бошлаб 2025 йил 1 июлга** қадар:

оммавий ахборот воситалари **фойда солиғини** белгиланган солиқ ставкаларига нисбатан **50 фоиз** камайтирилган солиқ ставкалари бўйича тўлайди, реклама хусусиятига эга бўлган оммавий ахборот воситалари бундан мустасно;

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича олиб кириладиган матбаа ускуналари, замонавий фото ва радио-телевизион ускуналар ҳамда қоғоз **божхона божидан озод этилади;**

б) 2023 йилдан бошлаб тегишли давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда бошқа муассасаларга **110 нусха** даврий босма нашрлар ва **67 нусха** китоб маҳсулотларининг **мажбурий бепул нусхаларини юбориш амалиёти бекор қилиниб**, улар томонидан босма маҳсулотларни **харид қилиб олиш тартиби жорий қилинади** (Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси бундан мустасно). Бунда, тегишли давлат органлари томонидан харид қилиб олиш учун Давлат бюджетидан маблағ ажратилади;

в) бюджет ташкилотларига улардаги “кутубхона фонди” харажат моддаси орқали **даврий босма нашрлар,** уларнинг электрон шакли ва электрон оммавий ахборот воситаларига **обуна бўлиш учун маблағ йўналтиришга рухсат берилади**.

Давоми 2-бетда

# ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШ ҲОЛАТИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 27 июнь куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари тақдимоти билан танишди.**

Бу йил пойтахтимизда қарийб 4 миллиард доллар инвестиция ҳисобига 500 дан зиёд лойиҳа режалаштирилган. Бугунги кунга келиб, шундан 1 миллиард 500 миллион доллари ўзлаштирилган. 120 миллион долларлик 71 та лойиҳа ишга туширилиб, 5 мингдан ортиқ иш ўрни яратилган. Умумий миқдори 2 миллиард 300 миллион долларлик яна 450 та лойиҳа бўйича иш олиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбари биринчи ярим йилликдаги кўрсаткичлар етарли эмаслигини таъкидлаб, кечикаётган лойиҳаларнинг муаммосини ҳал қилиш, инвестициялар жалб этишни кўпайтириш бўйича кўрсатмалар берди.

Тақдимотда “Янгиҳаёт” индустриал технопаркида олиб борилаётган ишлар ҳам кўриб чиқилди.

Бу ҳақда Ўзбекистон Президентининг 2021 йил 4 февралдаги қарорида белгиланган эди. Ушбу технопарк учун 210 гектар майдон ажратилган. Бош режа ишлаб чиқилиб, бугунги кунда муҳандислик-коммуникация тармоқларини барпо этиш бошланган.

Президентимиз бу ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий жиҳатдан муҳим лойиҳа эканини таъкидлади.

— Ҳеч қайси давлатда тадбиркорга енгиллик яратмасдан туриб, натижага эришиб бўлмайди. Бу технопарк тадбиркорлар учун қулай майдон бўлиши керак. Импорт ўрнини босадиган, кўпроқ одамларни иш билан таъминлайдиган лойиҳаларга эътибор қаратиш керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

Биринчи босқичда технопаркнинг 110 гектар майдони аукционда сотилган. Уларда ошхона жиҳозлари, қандолатчилик ва тўқимачилик маҳсулотлари, сантехника товарлари, полиэтилен ва металл буюмлар ишлаб чиқариш лойиҳалари жойлаштирилган. Умуман, технопаркда ташкил этиладиган корхоналарда 20 минг иш ўрни яратилиши мўлжалланган.

Тошкентда хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича ҳам имкониятлар катта. Ўтган беш ойда бу соҳада 5 минг 500 та лойиҳа доирасида 183 мингта иш ўрни яратилган.

Давлатимиз раҳбари аҳолининг талаби ва имкониятлари ўсиб бораётганини, шундан келиб чиқиб, хизматларни кенг кўламда ривожлантириш зарурлигини таъкидлади. Ёшларни бу соҳа бўйича ўқитиб, хизматлар сифатини ва бандликни ошириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

**ЎзА**

# ЖУРНАЛИСТИКА — ЗАҲМАТ, ФИДОЙИЛИК, ҲАЛОЛЛИКНИ ТАЛАБ ЭТУВЧИ КАСБ



3-бетга қаранг.

“Янги Ўзбекистон” учун махсус

# Ўзбекистон халқаро тараққиёт йўлида долзарб ва муҳим ташаббусларни илгари сурмоқда

**Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 24 июнь куни Хитой раислигида 18 мамлакат давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирокида ўтказилган “БРИКС плюс” форматидаги Глобал тараққиёт масалалари бўйича юқори даражадаги мулоқотда илгари сурилган ташаббуслар хорижий оммавий ахборот воситалари ва халқаро эксперт доиралари вакиллари томонидан чуқур ўрганилмоқда ва кенг муҳокама қилинмоқда.**

Хитойнинг **“Жэньминь жибао”** газетаси ва **“Chinadaily.com”** электрон портали, Италиянинг **“Askanews.it”** ахборот агентлиги, кўплаб хорижий босма ва электрон нашрлар Ўзбекистон Президенти ўз нутқида “БРИКС плюс” форматидаги мулоқот Барқарор ривожланиш кун тартибидаги масалаларни илгари суришда инклюзив шериклик учун зарур платформа сифатида алоҳида аҳамиятга эга эканини таъкидлаганига эътибор қаратган.

Президент Шавкат Мирзиёев йиғилганлар эътиборини “Инсон манфаатлари — ҳамма нарсадан устун” тамойили асосида ислоҳотларни амалга оширишни изчил давом эттираётган Янги Ўзбекистон кенг кўламли халқаро шерикликка, шу жумладан, “Жануб — Жануб” форматидаги ҳамкорликка очиқлигига қаратгани алоҳида таъкидланган.

Давоми 4-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

**Амирова Шахноз Хатамовна** (Шаҳноза Ғаниева) — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston” телерадиоканали” давлат муассасаси “O‘zbekiston tarixi” телеканали лойиҳа бошловчиси

**Эшонкулов Назар Салиевич** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Ўзбектелефильм” давлат муассасаси директори ўринбосари — бош муҳаррири

## “Меҳнат шуҳрати” ордени билан

**Джураева Ранохон Гафуровна** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси фахрийси

**Иванова Анна Витальевна** — Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси масъул ходими

**Каримова Хатичахон** — Фарғона вилояти “Ойдин” газетаси бош муҳаррири

**Маликов Эркин** — “Ҳилол” нашриёти муҳаррири

**Турсунова Мавжуда Хафизовна** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси фахрийси

**Шодиев Махамаджон Махмуджонович** — “Овози тожик” газетаси бўлим муҳаррири

## “Дўстлик” ордени билан

**Абдуллаева Татьяна Самуговна** — “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг офсет босма цехи мусаҳҳиҳи

**Айходжаева Азиза Саденовна** — “Нурлы жол” газетасининг қишлоқ хўжалиги ва иқтисодиёт бўлими мудири

**Алимов Чори** — Қизириқ тумани “Тараққиёт” газетаси бош муҳаррири, Сурхондарё вилояти

**Жуманиязова Халима Тагановна** — Америка Қўшма Штатларининг Нью-Йорк шаҳри “Маконим” газетаси бош муҳаррири ўринбосари

**Каримова Шахзода Ғоппоровна** — Балиқчи тумани “Ғалаба” газетаси бош муҳаррири, Андижон вилояти

**Ли Сергей Алексеевич** — “Народное слово” газетасининг иқтисодиёт бўлими муҳаррири

**Магдиев Баходир Кабул-Кариевич** — “Oriat” телерадиокомпанияси” масъулияти чекланган жамиятининг “Oriat Dono” радиоси бошловчиси

**Марценяк Валентина Викторовна** — “Ishonch-Доверие” газетаси масъул котиби

**Мирзаахмедов Мурабас** — “Миллий” телеканалининг “Оталар сўзи — ақлнинг кўзи” кўрсатуви бошловчиси

**Саматов Фахриддин Умиркулович** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston” телеканали “Ассалом, Ўзбекистон!” студияси масъул котиби

**Сафаров Мамадамин Абдуғаппарович** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси ўринбосари

**Хайдарова Дилбархон** — Наманган вилояти “Мураббий” газетаси бош муҳаррири

## II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

**Сейданова Лала Алмуратовна** — Қорақалпоғистон Республикаси телерадиокомпаниясининг “Қорақалпоғистон” телеканали ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий дастурлар бош муҳаррири

**Хамидова Мухаббат Махмудовна** — “Гулхан” журнали бош муҳаррири ўринбосари

## “Соғлом турмуш” медали билан

**Каримов Захид Бахримуратович** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Sport” телерадиоканали” давлат муассасаси директори

## “Содиқ хизматлари учун” медали билан

**Алиқулова Гулчехра Тимуровна** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Қашқадарё вилояти телерадиокомпанияси ижодий муҳаррирят гуруҳи бош муҳаррири

**Мамадаминов Алмурат Маматкулович** — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг фотоахборот таҳририяти фотомухбири

**Рахманбердиев Жавдат Каримбердиевич** — Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати Медиамаркази бош мутахассиси

**Саидов Комилжон Саипджанович** — Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича маркази бошлиғи

**Ходжаахмедов Суннат Абдуллаевич** — “Ўзбекистон нашриёти” давлат унитар корхонаси муҳаррирлар бўлими бошлиғи

**Хожиев Фарход Жумабаевич** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston 24” телеканали гуруҳ бош муҳаррири

**Шарасулов Шамахмут Шакаримович** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “Madaniyat va ma’rifat” телерадиоканали” давлат муассасаси режиссёри

## “Келажак бунёдкори” медали билан

**Боходиров Сарварбек Санжарбек ўғли** — “Менинг юртим” телеканалининг “Марказий студия” дастури бошловчиси

**Убайдуллаев Хикматилла Шухратилла ўғли** — Миллий масс-медиани қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондининг жамоатчилик билан алоқалар бўлими раҳбари

## “Шуҳрат” медали билан

**Адилов Улуғбек Шахарбаевич** — Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Жиззах вилояти бошқармаси бошлиғи

**Аллаев Фируз Абдунасимович** — Тошкент шаҳридаги “Asaxiy books” масъулияти чекланган жамияти раҳбари

**Асроров Улуғбек Холбоевич** — “Янги Ўзбекистон” газетаси таҳририятининг ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва ҳуқуқ бўлими мудири

**Бободўстов Файзулла Муродович** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг Сирдарё вилояти телерадиокомпанияси ижодий муҳаррирят гуруҳи бош муҳаррири

**Буриева Хулкар Туракуловна** — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг “O‘zbekiston 24” телеканали сухандонлар гуруҳи сухандони

**Игамбердиева Фарида Бурикуловна** — “Darakchi.uz” интернет оммавий ахборот воситаси бош муҳаррири

**Исломов Низомжон Илҳом ўғли** — “Aniq.uz” веб-сайти муҳаррири

**Курбанов Шухратбек Равшанбекович** — “Kurbanoff.net” блоги администратори

**Мусаева Наргиза Абдуллаевна** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Бўка тумани ахборот-кутубхона маркази директори, Тошкент вилояти

**Нугманов Бекзод Алимович** — Тошкент шаҳридаги “Media News” масъулияти чекланган жамияти директори ўринбосари

**Пулатов Аброржон Масутович** — “Авторадио” радиостанцияси таъсисчиси

**Турдибаев Олимжон Арипджанович** — “UzReport” масъулияти чекланган жамиятининг “UzReport TV” телеканали бош муҳаррири

**Худайкулова Зилола Рахматовна** — Бухоро вилояти “Истиқлол-ТВ” телерадиокомпанияси бош муҳаррири

**Шадрин Константин Михайлович** — Тошкент шаҳридаги “Kolorpak” масъулияти чекланган жамияти дизайнери

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 27 июнь

## ҚУТЛАЙМИЗ!

*Президентимизнинг фармонига биноан таҳририятимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва ҳуқуқ бўлими мудири Улуғбек Асроров “Шуҳрат” медали билан тақдирланди.*

*“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти жамоаси ҳамкасбимизни ушбу юксак мукофот билан самимий қутлайди ҳамда келгуси фаолиятида улкан муваффақиятлар тилайди.*



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

# ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2022 йил 1 октябрдан** бошлаб **болалар учун мўлжалланган теле- ва радиомаҳсулотларни ишлаб чиқариш** ва **эфирга узатиш** бўйича **ҳар йили энг яхши 30 та лойиҳа** учун ҳар бири базавий ҳисоблаш миқдорининг 300 бараваригача миқдорда бўлган танлов эълон қилинади. Бу борадаги харажатлар Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига қўшимча ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

3. Фаол журналистларни мунтазам рағбатлантириш ва улар ўртасида ижодий соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш мақсадида **ҳар чоракда:**

оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган **100 тагача энг яхши материал** учун муаллифлар (ижодий гуруҳ аъзолари) қуйидан юқорига ўсиб бориш тартибида базавий ҳисоблаш миқдорининг **50 бараваригача миқдорда пул мукофоти билан тақдирланади**;

амалий ва долзарб аҳамиятга эга бўлган **100 тагача энг яхши таҳлилий материални тайёрлаш** ва оммавий ахборот воситаларида **эълон қилиш** учун давлат **грантлари** ва давлат **ижтимоий буюртмаларини** бериш бўйича танлов эълон қилинади.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.А. Ходжаев) энг яхши материалларни **кенг жамоатчилик ва малакали мустақил экспертлар томонидан очиқ ва шаффоф усулда электрон аниқлаш тизими — махсус электрон платформани** ишга туширсин.

Белгилансинки, ушбу бандда назарда тутилган лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳамда қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

4. 2023 йилдан бошлаб журналистлар ўртасида ҳар йили анъанавий ўтказиб келинаётган “Олтин қалам” миллий мукофоти учун халқаро танловни **демократик тамойиллар асосида янада очиқ ва шаффофлик** билан ўтказишга эътибор қаратилсин, шунингдек, **“Олтин қалам” миллий мукофоти совриндорлари:**

**бош миллий мукофот учун — автомобиль;**

биринчи ўрин учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 200 баравари;

иккинчи ўрин учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 175 баравари;

учинчи ўрин учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 150 баравари;

12 та рағбатлантирувчи номинациянинг ҳар бири учун — базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 баравари миқдорида бир марталик пул мукофоти билан тақдирлансин.

Белгилансинки, “Олтин қалам” миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар “Илҳом” жамоат фонди маблағлари ҳисобидан қопланади.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

а) **барча давлат органлари ва ташкилотлари** ўз муассислигидаги **даврий босма нашрларнинг замонавий электрон шакли,** шу жумладан, **мобиль иловалари** тегишли давлат органлари ва ташкилотларига 2022-2024 йилда ажратилган Давлат бюджети ҳамда уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан яратилишини ташкил этади, кейинги йилларда уларни модернизация қилиш учун маблағ ажратиб боради;

б) 2023 йил январдан бошлаб:

давлат органлари ва ташкилотлари муассислигида бўлмаган ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилганига камида икки йил бўлган **даврий босма нашрларнинг замонавий электрон шаклини,** шу жумладан, уларнинг **мобиль иловаларини яратиш** ҳамда **модернизация қилиш** ва бир йил давомида **юритиш харажатларини қоплаш учун** 2026 йил 1 январга қадар **ҳар йили энг яхши 20 та лойиҳа** бўйича танлов эълон қилинади. Бунда, ҳар бир танлов учун Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг 100 бараваригача бўлган миқдорда маблағ ажратилади;

даврий босма нашрлар, китоб ва бошқа матбаа маҳсулотларига **масофадан туриб обуна бўлиш** ва уларнинг буюртмачигача **ўз вақтида етказиб берилишини кузатиб бориш** имконини берадиган **“Обуна” ягона электрон платформаси,** шу жумладан, унинг **мобиль иловаси** яратилади;

2026 йил 1 январга қадар жисмоний шахслар томонидан “Обуна” ягона электрон платформаси орқали обуна қилинган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, адабий-бадиий, ҳуқуқий, илмий-оммабоп даврий босма нашрлар обуна нархининг **10 фоиз, болалар учун мўлжалланган** даврий босма нашрлар обуна нархининг **20 фоиз** миқдори **Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан** обуначиларнинг банк карталарига бир ой муддат ичида **қайтарилади (“Cashback”),** реклама хусусиятига эга бўлган даврий босма нашрлар бундан мустасно. Бунда, ушбу харажатлар Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига қўшимча ажратиладиган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Х.Шерматов) ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.А.Ходжаев) 2022 йил якунига қадар Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан “Обуна” ягона электрон платформаси, шу жумладан, унинг мобиль иловасини яратсин ва **электрон тўлов тизимлари билан интеграция қилсин** ҳамда унинг доимий равишда модернизация қилиниши, техник қўллаб-қувватланиши ва фаолият юритишини таъминласин.

6. Журналистика соҳасида кадрлар тайёрлаш жараёнини амалиёт билан **интеграция қилиш**, кадрларнинг **малакасини ошириш** ва журналистларнинг **хорижий тилларни ўрганишини рағбатлантириш** мақсадида 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб:

а) олий таълим муассасаларида журналистика йўналиши бўйича таълим берадиган профессор-ўқитувчиларнинг муаллифлик кўрсатув ва эшиттиришлари ҳамда йирик таҳлилий мақолалари уларни моддий рағбатлантириш нуқтаи назаридан илмий мақолага тенглаштирилади;

б) оммавий ахборот воситалари таҳририятлари, нашриётлар, матбаа корхоналари ва ахборот хизматларида камида беш йил ишлаган ҳамда ушбу йўналишлар бўйича олий таълим муассасаларида дарс бераётган, **Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларига эга бўлган** шахслар меҳнатга ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантириш шартларига кўра 1-иловага мувофиқ профессор ва доцент илмий унвонига эга бўлган шахсларга тенглаштирилади;

в) олий таълим муассасалари ректорларига журналистика соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаш жараёнига оммавий ахборот воситаларининг таниқли ва тажрибали ходимларини, соҳанинг етук мутахассисларини жалб қилиш ва улар меҳнатини олий таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан **қўшимча рағбатлантириш** ҳуқуқи берилади;

г) **журналистика соҳасида кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасалари кафедраларининг ихтисослаштирилган бўлимлари** 2-иловага мувофиқ ташкил этилади;

д) оммавий ахборот воситаларида **камида бир йил** давомида асосий иш жойи сифатида ишлаб келаётган журналистлар ва таҳририят ходимларининг:

**хорижий тилларга ўқитиш бўйича ўқув курсларида ўқиш харажатларининг 50 фоизи**, бироқ базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 бараваридан ошмаган қисми **компенсация** қилинади. Бунда, улар хорижий тиллар бўйича B2 ва ундан юқори даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро сертификатга эга бўлиши ҳамда нодавлат таълим ташкилотида ўқиш билан боғлиқ ҳақиқий харажатларни исботловчи ҳужжатларни тақдим этиши лозим;

хорижий тиллар бўйича B2 ва ундан юқори даражадаги миллий ёки унга тенглаштирилган мос даражадаги халқаро сертификатга эга бўлиш учун **имтиҳон топшириш харажатлари тўлиқ компенсация** қилинади.

Бунда, ушбу “д” кичик бандда белгиланган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қопланади.

7. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси олий органи қарори билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси **Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси** деб қайта номлангани маълумот учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 16-уй манзилдаги бинога текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида жойлаштирилсин.

Белгилансинки, 2023-2024 йилларда **50 нафар журналист** ва **таҳририят ходимлари** хориж мамлакатларига малака ошириш, тажриба ўрганиш, стажировка ўташ ва нуфузли медиа тадбирларда иштирок этиш учун юборилади ҳамда улар учун хорижлик малакали мутахассислар жалб этилган ҳолда ўқув курслар ташкил этилади. Бу борадаги тегишли харажатлар Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари **ҳар йили** Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг тегишли ҳудудий бўлимлари фаолиятини самарали ташкил қилиш, сақлаш харажатларини қоплаш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбалари ҳисобидан белгиланган тартибда **субсидия** сифатида маблағ ажратиб бориш чораларини кўрсин.

8. Журналистларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини янада кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг қуйидагиларни уюшма томонидан амалга ошириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

журналистлар ва давлат органлари, жисмоний ва юридик шахслар ўртасида **юзага келган низоларнинг судгача ҳал этилишига кўмаклашиш**;

журналистларнинг профессионал фаолиятига тааллуқли **жиноят ишлари бўйича** иш юритишда уларнинг **жамоатчилик ҳимоячилари** сифатида қонунда белгиланган тартибда иштирок этиш;

теле- ва радиоканалларнинг бадиий кенгашлари фаолиятига жалб қилинган малакали экспертларни Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан доимий равишда рағбатлантириб бориш.

9. Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси олий органи қарори билан Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси **Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси** деб қайта номлангани маълумот учун қабул қилинсин.

Белгилансинки, Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси томонидан тавсия этилган медиа лойиҳаларни амалга ошириш режаларига мувофиқ вазирлик, идора, ташкилот ва ҳокимликларга уларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ва қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан шартнома асосида медиа маҳсулотлар яратиш, уларни реализация қилиш ҳамда бошқа медиа лойиҳаларни амалга оширишга рухсат берилади.

10. Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясига оммавий ахборот воситалари учун грантлар, ижтимоий буюртмаларнинг **сони** ва **миқдорини ошириб бориш** ҳамда бу борада **алоҳида танловлар** ўтказиш тавсия этилсин.

11. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Х.Шерматов) Адлия вазирлиги (Р.Қ.Давлетов), Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов), Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.А.Ходжаев) билан биргаликда уч ой муддатда телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намойиш қилиш) тармоқларини лойиҳалаштириш ва қуриш, телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намойиш қилиш) тармоқларидан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш учун белгиланган **давлат божи миқдорини 50 фоизгача камайтириш** ҳамда уни **йил давомида бўлиб-бўлиб** тўлашни жорий қилишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин. Бунда, қуйидагилар учун давлат божининг алоҳида миқдорлари назарда тутилади:

телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намойиш қилиш) тармоқларини лойиҳалаштириш ва қуриш;

мамлакат миқёсида телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намойиш қилиш) ёки ҳудудий телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (намойиш қилиш);

радиоэшиттиришларни тарқатиш.

12. Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй манзилида жойлашган “Матбуот уйи” бино ва иншоотлари Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида берилсин.

Белгилансинки, ушбу бинога даврий босма нашрларнинг таҳририятлари ижара ҳақи тўламасдан (коммунал тўловлар ва кўрсатиладиган бошқа хизматлар бундан мустасно) жойлаштирилиши мумкин.

13. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Ж.А.Артикходжаев) Қурилиш вазирлиги (Б.И.Закиров), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.М.Бобоев), Молия вазирлиги (Т.А. Ишметов) билан биргаликда:

ушбу қарорнинг 12-бандида келтирилган бино ва иншоотлар ҳамда уларга туташ ҳудудда **замонавий медиа шаҳарча** ташкил этиш билан боғлиқ харажатларни 2023-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурига киритсин;

ушбу лойиҳа бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун 2022-2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида иқтисод қилинган ва ўзлаштирилмаган маблағлар ҳисобидан етарли миқдорда маблағ ажратиш чораларини кўрсин.

Замонавий медиа шаҳарча лойиҳаси якунига етказилгунига қадар Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ўз фаолиятини Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Буюк Турон кўчаси, 42-уй манзилида жойлашган бинода давом эттирсин.

14. **2022-2023 йилларда оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда журналистика соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури** 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарлари дастурда белгиланган вазифаларнинг **ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсан масъул** эканликлари кўрсатиб ўтилсин.

15. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (А.А. Ходжаев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августдаги “Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш “Илҳом” жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3184-сон қарори 2-бандининг учинчи хатбошисидаги, 5-бандининг иккинчи хатбошисидаги, 10-бандидаги ҳамда қарорга 1-илованинг ўн бешинчи хатбошисидаги тегишли келишикдаги “Журналистлар ижодий уюшмаси” сўзлари тегишли келишикдаги “Журналистлар уюшмаси” сўзлари билан алмаштирилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 августдаги “Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3195-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

18. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари **А.А.Абдухакимов** ҳамда Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори **А.А.Ходжаев** белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот котиби Ш.И.Асадов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2022 йил 27 июнь

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

# СТАТИСТИКА ИДОРАЛАРИДА ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ИЖРОСИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ — УСТУВОР ВАЗИФА

**Баҳодир БЕГАЛОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раиси, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор**

**Шаффоф, ишончли ва долзарб статистик маълумотлар ҳамда таҳлиллар асосида қабул қилинган барча даражадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар — жамият ҳаётининг барча соҳаларида ислоҳотларнинг самарали амалга оширилишига хизмат қилади. Бу борада, статистика органлари томонидан халқаро тавсиялар асосида ўз вақтида, аниқ ва тизимли маълумотлар шакллантириб келинмоқда.**

## Тизим келажаги пойдевори

Президентимизнинг 2021 йил 10 февралдаги "Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида назарда тутилган вазифаларнинг ижроси ўз вақтида сифатли ва самарали ташкил этилиши — мамлакатимиз тараққиётининг замонавий босқичида янги Ўзбекистонни барпо этиш учун амалга оширилаётган шиддатли ва кенг кўламли ислоҳотлар жараёнида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлат статистика қўмитаси тизимида қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали таъминлашда замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари, Президент фармон ва қарорлари, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва топшириқларини амалга оширишни тизимли ташкил этиш, ижроси юзасидан танқидий таҳлилни амалга оширишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Шунингдек, соҳага доир қонунчилик ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини тўлиқ тушунтириш, уни ижрочиларга ўз вақтида сифатли ва тўлиқ етказиш, ижро муддатларига риоя қилиш ҳамда доимий мониторингни ўтказиб бориш ҳам муҳим ўрин тутади.

Давлат статистика қўмитасида "Ijro.gov.uz" ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимидан фойдаланиш ва уни ташкил этиш қуйидаги тартибда амалга оширилмоқда:

— "Ijro.gov.uz" тизими орқали қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар бўйича келиб тушган маълумотларни қабул қилади;

— Давлат статистика қўмитаси марказий аппаратида топшириқлар бўйича масъул ижрочи бўлинмани, зарур бўлганда ҳудудий статистика органларини белгилайди;

— топшириқларнинг ижросини назоратга олади;

— қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни амалга ошириш ҳолати ва ижроси тўғрисидаги маълумотларни тасдиқловчи ахборотни илова қилган ҳолда, "Ijro.gov.uz" тизимига киритади.

Шунингдек, қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилмоқда:

**биринчидан,** қўмитанинг марказий аппаратида ҳужжатлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, назоратдаги топшириқларни ходимларнинг шахсий иш режаларига киритган ҳолда, уларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш;

**иккинчидан,** назоратдаги топшириқлар, биринчи навбатда, қўмитанинг Президент ҳужжатлари ижросини узлуксиз мониторинг қилиш бўйича электрон маълумотлар базасини такомиллаштириш;

**учинчидан,** қўмита ва тизим ташкилотларида назоратдаги топшириқлар бажарилишини вертикал бошқарув тизими бўйича ташкил этиш ва Ҳайъат йиғилишларида улар натижадорлигининг танқидий муҳокамасини тизимли йўлга қўйиш.

Давлат статистика қўмитаси ижро интизоми ишини самарали ташкил этишда замонавий бошқарув усулларидан кенг фойдаланган ҳолда, тўлиқ электрон ҳужжат айланиш тизимига ўтган.

Умуман олганда, қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган вазифа ва топшириқларни ўз вақтида ҳамда сифатли бажарилиши доимий эътиборда бўлиб, "технологик занжир" асосида доимий ишлар ташкил этиб келинмоқда.

Фармонда белгиланган чора-тадбирлар ижросини бажариш мақсадида қўмитанинг 2022 йил I ярим йиллиги учун иш режаси ишлаб чиқилиб тасдиқланди. Шунингдек, Давлат статистика қўмитаси раҳбариятининг ойлик иш режалари ҳам тасдиқланди ҳамда кунбай назоратга олиш тизими йўлга қўйилди.

Қўмитада ижро интизоми тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш ва янги механизмларни жорий этиш бўйича ишларни ташкил этишда давлатимиз раҳбарининг юқорида қайд этилган фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги "Ijro.gov.uz" ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Жумладан, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларнинг ижросини таъминлашнинг қуйидаги босқичлардан иборат аниқ механизми жорий этилди:

— назорат режалари ишлаб чиқиш;

— ижрочиларнинг топшириқлар устида бир вақтнинг ўзида ишлашини мувофиқлаштириш;

— марказий аппарат ва ҳудудий бўлинмаларда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни ижро этиш жараёнининг кунлик ва соатбай мониторингини амалга ошириш;

— бошқа давлат органлари билан маълумотлар ва ахборотлар тезкор алмашувини йўлга қўйиш.

Шунингдек, ижро жараёнида "формализм" ва юзаки ёндашувга чек қўювчи ижро сифатини баҳолаш тизими, қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижроси ҳолатини мунтазам равишда муҳокама қилиш амалиёти жорий этилди. Бунда, раиснинг ўринбосари бошчилигида ҳар ҳафтанинг жума куни, қўмита раиси бошчилигида эса ҳар ҳафтанинг душанба куни муҳокама ўтказилади.

Қўмита тизимидаги барча раҳбарлар ва ходимлар шахсий масъулиятини ошириш ҳамда жамоавий интизомни кучайтириш бугунги куннинг долзарб талаби ҳисобланади.

Шу боис, ҳар ой ва ҳар чорак якуни бўйича қўмита Ҳайъати йиғилишларида марказий аппарат бўлинмалари ва ҳудудий бошқармалар раҳбарларининг шахсий масъулияти тўғрисидаги ҳисоботлари эшитиб борилмоқда.

Қўмитада ижро интизоми ҳолатини аниқ рақамларда кўрадиган бўлсак, "Ijro.gov.uz" ижро интизомининг идоралараро ягона электрон тизими ишга туширилгандан буён Ўзбекистон Республикаси Президентининг жами 840 та фармон, қарор, фармойиш ва баёнларида белгиланган топшириқлар келиб тушган ва назоратга олинган.

Қўмитада топшириқларни ўз вақтида сабабсиз ва асосиз бажармаган ходимларга нисбатан қатъий интизомий жазо қўллаш тизими жорий қилинган. Ўтказилган ижро интизоми мониторинги натижалари бўйича қўмитанинг марказий аппарати ва вилоятлардаги ҳудудий бўлинмаларнинг қатор раҳбарлари ва ходимларига нисбатан тегишли интизомий чоралар қўлланилган.

## Меъёрий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш — муҳим омил

Статистик маълумотларнинг ишончлилиги, шаффофлиги ва очиқлигини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари ва фармойишлари қабул қилинди.

Қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилган ишлар натижасида барча фойдаланувчилар учун кенг кўламли статистик маълумотлар, шу жумладан, аввалги даврда эълон қилинмаган асосий макроиқтисодий, молиявий, ижтимоий ва бошқа статистик кўрсаткичлар очиқланди ҳамда уларни эркин олиш имконияти яратилди.

Давлат статистика қўмитаси, Марказий банк, Молия вазирлиги ва бошқа вазирлик ва идоралар веб-сайтларида барча асосий молиявий, ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларни эълон қилиб бориш йўлга қўйилди. Хусусан, бугунги кунда қўмита веб-сайтида 20 та бўлимда 279 та жадвал кўринишида 2 миллиондан зиёд статистик кўрсаткичлар тўплами эълон қилинмоқда.

Мамлакатимиз бўйича статистик маълумотларнинг халқаро миқёсда очиқлигини таъминлаш борасидаги муҳим тадбир сифатида 2018 йилнинг май ойидан бошлаб Халқаро валюта жамғармасининг кенгайтирилган Маълумотларни тарқатишнинг умумий тизимида 24 та йўналиш бўйича 422 турдаги Ўзбекистон Республикасининг макроиқтисодий, молиявий ва ижтимоий статистик кўрсаткичлар тўпламларининг эълон қилиб борилиши йўлга қўйилди.

## Расмий статистика — ислоҳотлар кўзгуси

2021 йилнинг 11 августида Ўзбекистон Республикасининг "Расмий статистика тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонуннинг қабул қилингани натижасида бир қатор устувор мақсадларга эришиш мақсад қилинган. Жумладан:

— миллий статистика тизими халқаро стандартларга мос равишда ислоҳ қилинади;

— мамлакатдаги расмий статистик маълумотларни тайёрловчи барча органларнинг статистика соҳасидаги фаолияти тартибга солинади;

— Давлат статистика қўмитаси ҳамда расмий статистикани тайёрловчи бошқа идораларнинг бу соҳадаги профессионал мустақиллиги таъминланади;

— фойдаланувчиларнинг ишончли, сифатли ва долзарб расмий статистик маълумотларга бўлган эҳтиёжлари қондирилади;

— расмий статистиканинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш борасидаги ислоҳотларнинг натижадорлиги белгиланади.

Ўз навбатида, ушбу эришиладиган барча натижалар кенг жамоатчилик, шу жумладан, халқаро ташкилотлар ва хорижий инвесторларни Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳолати тўғрисидаги долзарб, ишончли ва сифатли статистик маълумотлар билан таъминлаш ҳамда мамлакатимизнинг турли халқаро рейтинглардаги ўрнини янада мустаҳкамлашга муҳим замин яратади.

## Қатъий масъулият ва ҳисобдорлик

Бугунги кунда Давлат статистика қўмитаси томонидан ҳар бир ҳужжатнинг қабул қилинишидан тортиб, то унинг ижросини таъминлашга қадар бўлган жараён доимий назоратда олиб борилади. Статистика соҳасини ривожлантиришга доир қабул қилинган қонунчилик ҳужжатларининг ижроси таъминланиши натижасида бир қатор ижобий натижаларга эришилди.

Хусусан, Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти (stat.uz) Лондондаги Очиқ маълумотлар институти (ODI) баҳолаш тизими бўйича энг юқори — "Платина" даражасига лойиқ кўрилди. БМТнинг "Электрон ҳукумат кузатуви — 2020"да "Очиқ давлат маълумотлари индекси" бўйича Ўзбекистон энг юқори (Very High OGDI) кўрсаткичига эга бўлган жаҳоннинг 41 та мамлакати орасидан жой олди.

Шу билан бирга, Очиқ маълумотлар рейтингида (Open Data Inventory — ODIN) Ўзбекистон Республикаси 63 баллни тўплаб, рейтингда 125 поғонага кўтарилди ҳамда дунёда 44-ўринни, Марказий Осиёда эса 1-ўринни эгаллади.

Бундан ташқари, мамлакатлар статистика идораларининг фаолиятини халқаро даражада баҳолаш бўйича муҳим рейтингда, яъни Жаҳон банкининг "Статистика салоҳияти индекси"да ҳам мамлакатимиз кўрсаткичлари ўсиб бормоқда.



# Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида

**Ўзбекистон Президентининг 2022 йил 18 март куни соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари билан "Тиббиётдаги ислоҳотлар — инсон қадри учун" мавзусида ўтказилган очиқ мулоқотида тиббиётдаги долзарб муаммолар ечими борасида йўналишлар белгиланиб берилганди.**

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг навбатдаги йиғилишида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати, Жиззах ва Қашқадарё вилоятлари ҳокимликлари раҳбарларининг санитария-эпидемиологик осойишталикни сақлашга қаратилган чоралар самарадорлиги тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди, шунингдек, соҳадаги мавжуд муаммо ва камчиликлар кўриб чиқилди.

Охирги 5 йилда санитария-эпидемиология хизмати олдига қўйилган вазифаларнинг сўзсиз ижросини таъминлаш, белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш мақсадида соҳага оид иккита қонунга ўзгартиришлар киритилди, Президентнинг 20 тадан ортиқ фармон ва қарори ҳамда ҳукумат қарорлари қабул қилинди.

Хусусан, бирламчи соғлиқни сақлаш муассасалари томонидан аҳолига манзилли ва малакали тиббий хизмат кўрсатишни таъминлаш, санитария-эпидемиология хизмати томонидан юртимиз ҳудудига юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалиб кетишининг олдини олиш юзасидан бир неча қарорлар қабул қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 29 январдаги фармойишига мувофиқ, мамлакатимизга коронавируснинг янги тури кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияси ташкил этилди.

Ҳукуматнинг 2020 йил 23 мартдаги ва 2020 йил 25 апрелдаги қарорларига кўра, аҳолини коронавирус касаллигидан ҳимоялаш, карантинга олиш ва даволашга оид тартиблар белгиланди.

Йиғилишда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати томонидан эҳтимолий хавфларни аниқлаш ва баҳолаш, шунингдек, юқумли касалликлар табиий ўчоқларининг эпидемиологик мониторингини юритиш ва эпидемияларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш самарадорлигига эътибор қаратилди.

Беморларни эрта аниқлаш, уларни изоляция қилиш, шунингдек, касалланганлар билан алоқада бўлганларни текшириш мақсадида республика вирусологик лабораторияларининг қувввати 10 баробар оширилди — 2020 йил март ойидан бошлаб қўшимча 170 дан ортиқ ПЗР аппарати ўрнатилиб, кунлик текшириш потенциали 6 мингтагача (пандемиядан олдин кунига 5-6 тадан кўп бўлмаган) тадқиқот ўтказиш имкониятигача кенгайди.

Республикамизда коронавирус инфекциясига қарши эмлаш дунёда биринчилардан бўлиб 2021 йил 1 апрелдан бошланди. Жараёнга тайёргарлик ишлари ЖССТ, UNICEF, GAVI (Global Alliance on Vaaccination and Immunization), CDC каби халқаро ташкилотлар билан яқин ҳамкорликда олиб борилди. Ушбу ҳамкорлик доирасида республикада **1 та** марказий, **14 та** ҳудудий ҳамда **206 та** туман (шаҳар) вакцина сақлаш омборхонаси қурилди ва қайта таъмирланди, эмлаш жараёнлари учун **457 та** совиткич, **148 та** электр генератор, **500 дан** ортиқ термосумка ва **121 та** термоконтейнер тақдим этилди.

GAVI томонидан Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматига **17 та** авторефрижератор, **206 та** юк ташувчи минивен, **16 та** енгил автотранспорт топширилди.

Эмлаш ишлари ҳозирги вақтда республикадаги **3 138 та** даволаш-профилактика муассасасининг эмлаш пунктларида ва **862 та** ҳаракатдаги бригада томонидан амалга оширилмоқда. Коронавирус инфекциясига қарши эмлаш тадбирлари учун юртимизга **42,2 миллион** доза вакцина олиб келинган.

Бундан ташқари, 2021 йил август ойидан мамлакатимизда COVID-19 га қарши вакцина маҳаллийлаштирилиб, ишлаб чиқариш йўлга қўйилди ва бугунги кунга қадар 27,5 миллион доза вакцина ишлаб чиқарилган. Шундан 26,6 миллион дозаси "ZF-UZ-VAC 2001", 881,8 минг дозаси икки компонентли "Sputnik V" вакцинасидир.

Йиғилиш якунида аҳолини коронавирус инфекциясига қарши эмлашни жадаллаштириш, мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этиш мақсадида тегишли вазирликлар ва идораларга аниқ топшириқлар берилди. Қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилди:

ташкилот, корхона ва муассасаларда ишловчиларнинг, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳаси ишчи-хизматчиларининг **бустер доза** билан эмланишини ташкил этиш;

бирламчи тиббиёт муассасаларини генераторлар билан таъминлаш ҳамда "совуқлик занжири"ни тўғри ташкил этиш, зарур бўлган ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари учун маблағни тиббиёт муассасаларининг смета харажатларига киритиш.

Муҳокама якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси Раёсати йиғилишининг тегишли қарори қабул қилинди.

# ЖУРНАЛИСТИКА — ЗАҲМАТ, ФИДОЙИЛИК, ҲАЛОЛЛИКНИ ТАЛАБ ЭТУВЧИ КАСБ

**Матбуот — жамиятнинг кўзгуси. Ундаги ривож, тараққиёт, ҳалоллик кўп жиҳатдан оммавий ахборот воситалари фаолияти билан узвий боғлиқдир.**
**27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни мамлакатимизда бу йил ҳам кенг ва кўтаринки руҳда нишонланмоқда. Медиа соҳа вакилларининг республика анжумани, "Ашхобод боғи"да матбуотчилар фарзандлари учун ташкил этилган махсус сайллар, спорт мусобақалари, "Заковат" интеллектуал ўйинлари байрамга ўзгача шукуҳ бағишлади.**

Сана муносабати билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан пойтахтимиздаги "Hyatt Regensy" мажмуасида тантанали байрам тадбири ташкил этилди.

Унга барча турдаги оммавий ахборот воситаларида меҳнат қилаётган журналистлар, ноширлар, олий таълим даргоҳларининг журналистика йўналиши профессор-ўқитувчилари, фахрий ижодкорлар, ёш қаламкашлар таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринбосари, Президентнинг матбуот котиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

Маълумки, ижодкор зиёлилар, айниқса, оммавий ахборот воситалари ходимларининг заҳматли ва фидокорона меҳнати давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида бўлиб келган, юксак қадр ва рағбат билан доим эътироф этилган. Давлатимиз раҳбарининг "Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги фармонига кўра, бу йил ҳам медиа тузилмалар, нашриётлар, ахборот-ресурс марказларида фаолият кўрсатаётган фаол ва фидойи соҳа вакилларининг бир гуруҳи Ватанимизнинг юксак унвонлари, орден ва медаллар билан тақдирланди. Уларга мазкур мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева ва Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов тантанали тарзда топширдилар.

Тантанали тадбирда мамлакатимизда бугунги кунда кечаётган шиддатли ўзгаришлар масс-медиа соҳасида ҳам ўзининг яққол ифодасини топаётганини таъкидланди. Оммавий ахборот воситалари фаолиятига доир қонунчилик муттасил такомиллашмоқда. Медиа тузилмаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, таҳририятлар фаолиятини шиддатли замон руҳига монанд тарзда такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда.



ЎзА суратлари.

Буларнинг бари медиа тузилмалар фаолиятида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда. Оммавий ахборот воситаларининг ростмана эркин ва самарали фаолият юритиши йўлида кўрсатилаётган эътибор бугун илгари мисли кўрилмаган қамров ва мазмун касб этди, десак муболаға бўлмайди. Бу эса оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилаётган медиа-материалларнинг тезкорлиги, таҳлилий, танқидий, мулоҳазакор руҳда экани, одамларнинг дарду ташвишлари журналистлар томонидан тайёрланаётган материалларда устувор ва асосий мавзуга айланиб улгургани муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кунда барча турдаги оммавий ахборот воситалари каби медиа тузилмаларнинг замонавий шакллари, веб-сайтлар, нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари, янгидан-янги телерадиоканаллар ташкил этилиб, улар шиддат билан ривожланиб бормоқда. Барча вазирлик ва идоралар, компаниялар, тузилмалар таркибида матбуот хизматларининг фаолияти кенг йўлга қўйилган.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва унда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш, қонун устуворлигига таяниш, маънавий тараққиётни таъминлаш, Бош Қомусимизда акс этаётган ўзгартишларнинг моҳиятини ёритишда журналистларнинг янада фаол бўлмоғи зарурлигини англатмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 27 июнда қабул қилган "Оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва журналистика соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини амалга ошириш, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, улар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда янги имкониятлар эшигини очмоқда. Бундай имкониятлар медиа соҳа вакилларидан мамлакатимизда кечаётган янгиланиш жараёнларида ҳар қачонгидан ҳам фаол, холис ва ҳалол бўлишни талаб этмоқда.

Тадбирда сўзга чиққан Самарқанд вилояти "Зарафшон" ва "Самаркандский вестник" газеталари бирлашган таҳририяти бош муҳаррири, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Фармон Тошев, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси фахрийси, "Меҳнат шуҳрати" ордени соҳибаси Раъно Жўраева, "Ishonch-Доверие" газетаси масъул котиби, "Дўстлик" ордени соҳибаси Валентина Марценяк ва бошқалар журналистларга кўрсатилаётган улкан эътибор учун Президентимизга миннатдорлик билдирдилар.

— Давлатимиз раҳбарининг бугун эълон қилган қарори чин маънода тарихий қарор бўлди, — деди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Олимжон Ўсаров. — Булар медиа тузилмаларни моддий-техника базасини янада яхшилаш, кадрларнинг хорижда тажриба салоҳиятини ошириш, устоз журналистларни ёшларга кўмак кўрсатиши каби жиҳатларни қамраб олади. Қарор билан уюшма ўз биносига эга бўлди. Шунингдек, энг яхши 100 тагача мақолаларни аниқлаш, уларнинг муаллифларини рағбатлантириш имкони пайдо бўлди. Буларнинг бари миллий журналистикамизни янада ривожлантириш, ижодкорлар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантиришда янги имкониятларни очади.

— Президентимизнинг камтарона меҳнатларимни юксак эъзозлагани, эътибор ва рағбат кўрсатганидан беҳад мамнунман, — деди "Янги Ўзбекистон" газетаси таҳририятининг ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва ҳуқуқ бўлими мудири, "Шуҳрат" медали соҳиби Улуғбек Асроров. — Бундай ғамхўрлик халқимиз, Ватанимиз, касбимизга янада катта садоқат ва фидойилик билан хизмат қилишга ундайди.

Тадбирда санъат усталари ва ижрочи-ёшлар иштирокида катта концерт дастури намойиш этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

“Янги Ўзбекистон” учун махсус

# Ўзбекистон халқаро тараққиёт йўлида долзарб ва муҳим ташаббусларни илгари сурмоқда

Бошланиши 1-бетда

Хорижий нашрлар Ўзбекистон Президенти жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган инқирозли ҳолатларнинг оқибатларини бартараф этиш учун глобал савдо ва инвестициялар тизимидаги тўсиқларни бартараф этиш, янги ишлаб чиқариш ва савдо-логистика занжирини яратиш, саноат кооперацияси бўйича лойиҳаларга инвестициялар жалб этиш ва инфратузилмаларни модернизация қилиш, технологиялар трансфери ва инновацияларни жорий этиш, сунъий интеллект, рақамлаштириш, биотехнологиялар, жумладан, вакциналар ишлаб чиқариш соҳасида ҳамкорликни янада чуқурлаштириш бўйича мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни қабул қилиш муҳимлигини қайд этганини урғулаган.

Ўзбекистон Президентининг нутқидаги асосий йўналишлардан бири қамбағалликни қисқартириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасидаги дастурларни амалга ошириш, иқлим ўзгариши ва инсон тараққиёти масалалари бўйича кўп томонлама ҳамкорликни фаоллаштириш бўлди. Ўзбекистон Университетлар лигаси ва Тармоқли университет каби БРИКС дастурларида иштирок этиш, шунингдек, профессионал таълим ва ёшлар сиёсати соҳасида ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор экани билдирилди. Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси сифатида шерикликнинг устувор йўналишлари бўйича БРИКС ва ШҲТнинг ўзаро амалий ҳамкорлик механизмларини ишлаб чиқишни таклиф қилди, деб ёзади муаллифлар.

Хориж оммавий ахборот воситалари Ўзбекистон Президенти ўз нутқида транспорт-коммуникация соҳасидаги боғлиқликни кучайтириш ҳамда “Шимол — Жануб” ва “Ғарб — Шарқ” трансконтинентал йўналишларига минтақани жалб этиш тарафдори эканини таъкидлагани ҳақида сўз юритган.

Ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш, озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш ва фойдаланишнинг ишончли тизимларини шакллантириш мақсадида жаҳон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг эллик фоизигача бўлган қисми ҳиссасига тўғри келаётган БРИКС мамлакатларининг улкан салоҳиятидан унумли фойдаланиш муҳимлиги қайд этилган.

Халқаро ахборот маконидаги етакчи нашрлар Президент Шавкат Мирзиёевнинг “БРИКС плюс” шаклидаги навбатдаги мулоқотнинг ўтказилиши тезкор равишда умумий таҳдидларнинг олдини олишга бўлган қатъий интилишларни яна бир бор намойиш этгани ҳақидаги фикрини келтирган.

Яқин Шарқ ва Марказий Осиё бўйича эксперт, тарих фанлари доктори, профессор **Александр Князев** “Sputnik” агентлигига берган интервьюсида “Ўзбекистон “БРИКС плюс”даги иштироки билан ташқи сиёсий фаоллигини намоён қилди. Ушбу майдончада Ўзбекистоннинг Россия, Хитой, Ҳиндистон каби устувор шериклари бор. Мамлакат ўзининг халқаро мавқеини



оширар экан, Марказий Осиё минтақасидаги ролини юксалтиришга эришмоқда. Унинг икки томонлама муносабатлари фаоллашмоқда. Буни, айниқса, Россия билан алоқаларда кўриш мумкин”, деб фикр билдирган.

Москва давлат университетининг Осиё ва Африка мамлакатлари институти директори, Олий иқтисодиёт мактабининг жаҳон иқтисодиёти ва сиёсати факультети профессори, тарих фанлари доктори **Алексей Маслов**нинг фикрича, БРИКС лойиҳаларидаги иштирок Ўзбекистонга нафақат сиёсий, балки иқтисодий манфаат ҳам келтиради.



— Ўзбекистон учун, биринчи навбатда, БРИКС банки муҳим аҳамиятга эга. Ушбу молия муассасаси имтиёзли шартларда маблағлар олиш имкониятини тақдим қилади. Банк трансмиллий автомагистраллар яратиш, инфратузилма лойиҳалари, шу жумладан, йўллар қурилиши учун инвестициялар ажратади. Бу Ўзбекистон маҳсулотларини бошқа давлатларга экспорт қилишга ёрдам бериши мумкин, — дейди Алексей Маслов.

Хитойнинг етакчи таҳлил марказлари вакиллари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирмоқда.

**Ли Жуйси,**
**Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти Бош тадқиқотчиси:**

— Президент Шавкат Мирзиёев “БРИКС плюс” форматидаги Глобал тараққиёт бўйича юқори даражадаги мулоқотдаги нутқида нафақат БРИКС макони ва Евроосиё минтақаси, балки глобал аҳамиятга молик долзарб масалаларга алоҳида тўхталди. Ўзбекистон раҳбари жаҳон савдо ва инвестициялар тизимига салбий таъсир кўрсатаётган инқироз ҳодисаларига барҳам бериш, савдо йўлидаги тўсиқларни олиб ташлаш, ўзаро инвестиция ва саноат кооперациясини рағбатлантириш, камбағалликни камайтириш ва барқарор экологик ривожланишни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.



Ўзбекистон Президентининг бизнес мулоқотлар учун доимий платформа — “БРИКС плюс” бизнес ҳамжамияти форумини ишга тушириш муҳимлиги тўғрисидаги ташаббусини тўлиқ қўллаб-қувватлайман. Шу нуқтаи назардан, БРИКСга аъзо давлатлар ишбилармон доираларини жорий йил август ойида Тошкентда бўлиб ўтадиган ШҲТ иқтисодий форумига таклиф этиш мумкин.

Ўзбекистон Президенти илгари сурган ташаббуслар, биринчи навбатда, ҳозирги мураккаб шароитда иқтисодиётни, савдо-иқтисодий алоқаларни, саноат кооперациясини тиклаш ва камбағалликни қисқартириш муаммоларини ҳал этиш учун ўта муҳимдир. Бу таклифлар Янги Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш стратегиясини ҳам акс эттиради.



**Сюй Тао,**
**Хитой давлат кенгаши Тараққиёт тадқиқот маркази ҳузуридаги Европа ва Осиё ижтимоий тараққиёт институти етакчи эксперти:**

— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “БРИКС плюс” глобал тараққиёт масалалари бўйича юқори даражадаги мулоқотдаги маърузаси менда алоҳида таассурот қолдирди. Маърузада турли соҳалардаги мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг замонавий тенденциялари ва йўллари, уларни амалга ошириш бўйича амалий ғоялар чуқур таҳлил қилинди.

Жумладан, Ўзбекистон Президенти ўз нутқида иқтисодиётни тиклаш, транспорт ва коммуникациялар ўзаро боғлиқлигини мустаҳкамлаш, янги ишлаб чиқариш ва савдо-логистика занжирларини яратиш каби долзарб масалаларга тўхталиб ўтди.

> Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг амалдаги раиси сифатида шерикликнинг устувор йўналишлари бўйича БРИКС ва ШҲТнинг ўзаро амалий ҳамкорлик механизмларини ишлаб чиқишни таклиф қилди.

Ўзбекистон раҳбарининг камбағалликни қисқартириш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш соҳасида дастур қабул қилиш зарурлиги тўғрисидаги ташаббуси ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, Ўзбекистон ва Хитой камбағалликни қисқартириш соҳасида фаол ҳамкорлик қилиб келаётгани Янги Ўзбекистон қурилишининг асосий устувор йўналишларидан бири эканини қайд этиш қувонарли.

**Чжан Цинзи,**
**Гуандун халқаро илмий ва технологик ҳамкорлик иттифоқининг МДҲ мамлакатлари бўйича вице-президенти:**



— Аввало, Ўзбекистонни “БРИКС плюс” форматидаги глобал тараққиёт масалалари бўйича юқори даражадаги мулоқотда муваффақиятли иштирок этгани билан табриклайман. Унда Ўзбекистон раҳбари қатор муҳим ташаббусларни илгари сурди. Улар, албатта, БРИКС давлатлари ва бошқа ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги амалий ҳамкорликни кенгайтиришни рағбатлантиришда муҳим роль ўйнайди.

Гуандун халқаро илмий ва технологик ҳамкорлик иттифоқи Ўзбекистон билан таълим, технология, инновация ва тижорат соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлашга тайёр.

Ишончим комилки, Ўзбекистоннинг мулоқот доирасидаги янги халқаро ҳамкорлиги Хитой ва “БРИКС плюс” мамлакатлари билан трансчегаравий савдо учун янги платформани шакллантиришни мустаҳкамлайди.

Ўзбекистон билан таълим ва инсон капиталини ривожлантириш соҳасида яқин ҳамкорлик қилишдан манфаатдормиз.

**Чжан Дун,**
**Хитой-ШҲТ минтақавий савдо-иқтисодий ҳамкорлик Пилот зонаси администрацияси раҳбари:**



— Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг фаол иштирокчиси, сўнгги йилларда мамлакат нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан кўп қиррали ҳамкорликни изчил ривожлантирмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг “БРИКС плюс” форматидаги Глобал тараққиёт масалалари бўйича юқори даражадаги мулоқотда иштирок этиши ва минтақавий савдо-иқтисодий ҳамкорликни бойитиш бўйича илгари сурган ташаббуслари барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу йўналишда Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик муҳим ўрин тутади, чунки мамлакатларимиз изчил ривожланиш кун тартибини фаол илгари сурмоқда.

Ўзбекистон Президентининг “БРИКС плюс” мулоқоти доирасида жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган инқирозли ҳолатлар шароитида глобал савдо ва инвестициялар тизими учун тўсиқларни бартараф этиш ва янги ишлаб чиқариш ва савдо-логистика занжирини яратиш, саноат кооперацияси бўйича лойиҳаларга инвестициялар жалб этиш ва инфратузилмаларни модернизация қилиш бўйича ташаббуслари амалий иқтисодий самара беради, минтақалараро савдо-иқтисодий ҳамкорлик ва Ўзбекистоннинг махсус иқтисодий зоналари негизида қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун янги рағбат бўлиб хизмат қилади.

Хитой ишбилармон доиралари Ўзбекистонда яратилаётган янги бизнес имкониятларини диққат билан кузатиб бормоқда. Биз Хитой ва Ўзбекистон ўртасида саноат зоналари соҳасида амалий ҳамкорликни чуқурлаштириш, юқори технологияларни ўз ичига олган қўшма минтақавий лойиҳаларни яратишда давом этамиз.

**“Дунё” АА**

КУН МАВЗУСИ

# БУЮК КЕЛАЖАКНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

**Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,**
**Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси Матбуот хизмати раҳбари**

**Шу кунларда “Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги конституциявий қонун лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамасида бўлиб турибди. Жорий йил 5 июлга қадар давом этадиган бу муҳим жараёнга ҳеч бир юртдошимиз бефарқ эмас. Шу боис, турли давлат ва нодавлат ташкилотларда, меҳнат жамоаларида қонун лойиҳаси юзасидан тадбирлар, кенг муҳокамалар ташкил этилмоқда.**

Ўзбекистон касаба уюшмалари фаоллари ҳам биринчилардан бўлиб қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамасига киришди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбир кенг жамоатчилик эшитуви шаклида мулоҳаза, мунозара, қизғин фикр ва таклифларга йўғрилган ҳолда ўтказилди.

Видеоконференцалоқа тарзида ташкил этилган жамоатчилик эшитувида Конституциявий комиссия раиси А.Саидов, Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси раиси, сенатор Қ.Рафиқов, федерация тасарруфидаги ташкилотлар, ҳудудий, тармоқ ва бошланғич касаба уюшмалари мутасаддилари, касаба уюшмалари фаоллари иштирок этди.

— Конституция давлатимиз ва жамиятимизнинг нафақат бугунги қиёфаси, ҳаёт тарзи, балки келажагини, эзгу мақсадларимизнинг ҳуқуқий замин ва пойдеворини белгилаб берувчи ҳужжатдир, — деди Қ.Рафиқов. — Унда белгилаб қўйилган мақсад ва вазифаларга эришиш, юртимизда тинч, эркин ва обод ҳаёт барпо этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида муттасил иш олиб борилмоқда. Бир сўз билан айтганда, жамиятда, ҳар қайси оила ва фуқаро ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар содир бўлаётган бўлса, буларнинг барчаси Конституциямизда белгилаб қўйилган талаб ва қоидаларнинг ҳаётимиздаги амалий ифодаси, десак янглишмаймиз.

> ТАДБИРДА КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ БОШ ҚОНУНИМИЗНИНГ 64 ТА МОДДАСИГА 200 ДАН ОРТИҚ ЎЗГАРТИШ КИРИТИШНИ НАЗАРДА ТУТИШИ, ШУНИНГДЕК, 6 ТА ЯНГИ МОДДА БИЛАН 16 ТА ЯНГИ НОРМА КИРИТИЛАЁТГАНИ ҚАЙД ЭТИЛДИ.



Жорий йил 20 июнь куни Президентимиз Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашиб, бир қатор аниқ таклифларни билдирди. Давлатимиз раҳбарининг таклифи 4 та асосий йўналишни, яъни **“Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қиммати, дахлсиз ҳуқуқлари ва манфаатлари”, “Ўзбекистон — ижтимоий давлат” тамойилини мустаҳкамлаш, “Эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш”, “Ўзбекистонда инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат қуриш” масалаларини** қамраб олди. Президентимиз **“Инсон қадри учун”** ғоясини ҳамда **“Инсон — жамият — давлат”** деган методологик ёндашувни Конституциямизнинг мазмун-моҳиятига чуқур сингдириш лозимлигини асослаб берди. Шу билан бирга, конституциявий қонун лойиҳасини умумхалқ муҳокамасидан ўтказиш, уни референдум йўли билан қабул қилиш ташаббусини илгари сурди. Пировардида, ҳар бир ватандошимиз **“Янги Ўзбекистон Конституцияси — менинг Конституциям”,** деб юксак ғурур ва ифтихор билан айта олиши кераклигини алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, мамлакатимиз Конституцияси мустақиллик йилларида эришилган ютуқларнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб келмоқда. Бунинг натижасида ҳаётимиз ҳам, халқимизнинг дунёқараши ҳам тубдан ўзгармоқда. Айниқса, сўнгги 5 йилда Президентимиз ташаббуси билан инсон манфаатларини таъминлаш, халқимиз турмуш даражасини ошириш мақсадларида амалга оширилган ўзгаришлар, барча соҳаларни қамраб олган ислоҳотлар жамиятимизда кўплаб янгиланишларга замин яратди.

Шу боис, сўнгги йилларда фуқаролар томонидан Конституциямизни такомиллаштириш бўйича кўплаб фикрлар билдириб келинаётган эди. Шундан келиб чиққан ҳолда, жорий йилнинг май ойида Олий Мажлис палаталари Кенгашлари томонидан Конституциявий комиссия тузилди. Ўтган бир ой давомида мазкур комиссияга халқимиздан 60 мингдан ортиқ таклиф келиб тушгани, уларнинг қарийб 70 фоизи 30 ёшгача бўлган ёшлардан экани алоҳида эътиборга моликдир. Бу кўрсаткич Ўзбекистонда фаол фуқаролик жамияти, халқимизда дахлдорлик ҳисси шаклланганидан далолат беради.

Тадбирда конституциявий қонун лойиҳаси Бош қонунимизнинг 64 та моддасига 200 дан ортиқ ўзгартиш киритишни назарда тутиши, шунингдек, 6 та янги модда билан 16 та янги норма киритилаётгани қайд этилди. Конституцияга киритилаётган мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларнинг аксарияти мазмун-моҳиятига кўра, инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла таъминлашдек эзгу мақсадларга қаратилгани эътироф этилди. Шунингдек, меҳнат жамоаларида конституциявий қонун лойиҳаси юзасидан ўтказилаётган умумхалқ муҳокамаларида касаба уюшма фаоллари томонидан билдирилаётган таклифларни умумлаштириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясида конституциявий қонун лойиҳаси бўйича таклифларни умумлаштирувчи республика штаби тузилгани, федерациянинг ҳудудий кенгашларида эса мувофиқлаштирувчи гуруҳлар ташкил этилгани маълум қилинди. Уларнинг асосий вазифаси барча ҳудудлардаги меҳнат жамоаларида конституциявий қонун лойиҳасини муҳокама этиш жараёнларида билдирилган таклифларни умумлаштирган ҳолда Конституциявий комиссияга тақдим этишдир.

ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ ОЙЛИГИ



**26 июнь — Халқаро гиёҳвандликка ва гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланишига қарши кураш куни муносабати билан, шунингдек, Наркотик моддалар устидан назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат комиссияси тасдиқлаган 2022 йил июнда Гиёҳвандликка қарши кураш ойлигини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тадбирлар режаси доирасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан ноқонуний муомаладан мусодара қилинган 1 тонна 933 килограмм гиёҳвандлик воситалари ёқиб, йўқ қилинди.**

# ОҒУФУРУШЛИК — ЁТ ИЛЛАТ

Тадбирда мутасадди идоралар ходимлари, халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий ахборот-таҳлил маркази директори Олим Нарзуллаев наркотик воситалар контрабандаси ва ноқонуний савдосига қарши курашиш халқаро аҳамиятга молик масала экани, мамлакатимизда гиёҳвандликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш борасида зарур чора-тадбирлар амалга оширилаётгани ҳақида айтиб ўтди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда Ўзбекистонда гиёҳвандлик моддалар билан боғлиқ таҳдидларга қарши курашда барча ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий имкониятлар ишга солинмоқда. Миллий қонунчилигимизда гиёҳвандликка оид жиноятларнинг олдини олиш ва унга чек қўйиш, бу борада ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлиги, гиёҳвандликка чалинган шахсларни даволаш ва бошқа муҳим масалаларнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Жумладан, 1995 йилда БМТнинг Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши кураш тўғрисидаги 1961, 1971 ва 1988 йиллардаги конвенцияларига қўшилганмиз. 1999 йил 19 август куни Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди.

2021 йил январь ойидан эътиборан наркология соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи “Наркологик касалликлар профилактикаси ва даволаш тўғрисида”ги қонун кучга кирди. Унда вазирликлар, идоралар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг наркоманиянинг олдини олиш борасидаги ваколатлари, гиёҳвандликка чалинган шахслар, шунингдек, тиббиёт ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб берилган.

Тадбирда таъкидланганидек, Афғонистонда юзага келган нарковазият гиёвандлик воситалари кўп миқдорда ишлаб чиқарилиши ва дунёнинг турли минтақаларига, шу жумладан, Ўзбекистон ҳудуди орқали олиб ўтилишига сабаб бўлувчи асосий омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Халқаро экспертлар ҳисоб-китобига кўра, 2021 йилда бу мамлакатда кўкнори экин майдони 177 минг гектар, опий ҳосили ҳажми эса 6,8 минг тонна бўлган.

Маълумотга кўра, ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан амалга оширилган ишлар натижасида 2021 йилда гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ 7142 та жиноят фош этилган.

**Лутфулла СУВОНОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

ТИББИЁТ



# Терри КАРЛ: “ХУДДИ ЎЗИМНИНГ КЛИНИКАМДА ОПЕРАЦИЯ ҚИЛГАНДАЙ БЎЛДИМ”

**Зуҳра опа тез-тез толиқадиган бўлиб қолди. Бирозгина илдам ҳаракат ҳам нафас олишини қийинлаштирарди. Чап кўкрагида қандайдир санчиқ пайдо бўлиб, тунлари безовта қиларди. Дардини ичига ютиб, нима қиларини билмайди. Аввалига ўтиб кетар, деб юрди. Лекин ундай бўлмади.**



Ундаги безовталикни сезган яқинлари шифокор қабулига олиб боришди. Текширувлар натижасида Зуҳра опага юрак-қон томир касаллиги ташхиси қўйилди, жарроҳлик амалиётини ўтказиш лозимлигини айтишди.

Жарроҳлик амалиёти ҳақида эшитган бемор ва яқинлари хавотирланиб қолди. Ахир инсон организмининг энг муҳим аъзоси — юракда жарроҳлик ўтказиш осон эмас-да! Кўпчиликнинг таклифи билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қарши филиалига йўл олишди.

Бу ердаги шифокорлар уни яхшилаб кўрикдан ўтказди. Кенг текширувлар ва таҳлиллар хулосасига кўра, юрак клапанини алмаштириш лозимлиги борасида бир тўхтамга келишди. Қисқа вақтда бемор жарроҳлик столига ётқизилди.

— Бугун жарроҳлик амалиёти ўтказилганига тўрт кун бўлди, — дейди З.Абраева. — Шифокорлар ширин сўзли, яхши гап билан беморнинг кўнглига йўл топа олишаркан. Барака топишсин. Қўли енгил, тажрибали. Барчаси ортда қолди, ўзимни гўёки янги туғилгандек ҳис қиляпман. Вилоятимизда шундай мураккаб амалиётлар ўтказиш учун шароит яратиб берган давлатимиз раҳбарига чексиз ҳурматимни изҳор қиламан.

Президентимизнинг 2017 йил 1 майдаги қарорига асосан, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қарши филиалининг янги, замонавий биноси қурилди. Қурилиш қиймати 65 миллиард сўмдан ортиқ бўлган шифо маскани 2018 йил 13 декабрда давлатимиз раҳбарининг Қашқадарёга ташрифи чоғида фойдаланишга топширилганди.

— Айни пайтда муассасамизда тажрибали, ўз ишининг билимдони бўлган 50 га яқин шифокор фаолият кўрсатмоқда, — дейди марказ раҳбари Яшин Аҳматов. — 100 қатновли поликлиникамизда йилига 26 мингдан ортиқ беморга амбулатор, беш мингдан зиёдига стационар шароитда хизмат кўрсатиш имкониятига эгамиз.

## Ноёб операциялар бажарилмоқда

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунда дунёда барча ўлим ҳолатларининг қарийб 60 фоизи юрак-қон томир касалликлари оқибатида келиб чиқаркан. Қолаверса, бу турдаги хасталиклар ҳануз ногиронликка етакловчи энг асосий сабаблардан бири бўлиб қолмоқда.

Айниқса, аортал клапан стенози энг кенг тарқалган юрак патологияларидан бири бўлиб, Европа ва Осиё мамлакатларида ногиронлик ва ўлим сабаблари рўйхатида энг юқори ўринни эгаллайди. Янги дори-дармонлар яратилиши ҳамда илғор даволаш усулларига қарамай, ҳозирги кунда аортал стенозни бартараф этишнинг самарали йўли аорта қопқоғини алмаштириш эканини соҳа вакиллари яхши билади.

Марказда жорий йил февралида Швейцариянинг Цюрих университети шифохонасидан келган кардиохирурглар Терри Карл ва Юр Сромиски ҳамда электрофизиолог Александр Брейтенштейн билан ҳамкорликда бир қатор жарроҳлик амалиётлари ўтказилди.

Бундан сал олдинроқ эса филиалда юракнинг мураккаб ритм бузилишларида электрофизиологик текширув ва радиочастотали аблация ўтказиш учун станция ўрнатилган эди. Мазкур станция орқали дастлабки амалиётлар А.Брейтенштейн билан биргаликда бажарилди. Натижада саккиз бемор ўзини узоқ йиллардан бери қийнаб келган оғир дард — тахикардиядан фориғ бўлди.

Шунингдек, 2021 йил ноябрда швейцариялик малакали мутахассислар билан бирга очиқ турдаги мураккаб 10 та жарроҳлик амалиёти ўтказилди.



## Кардиожарроҳлар учун имкониятлар эшиги очиқ

Асли сурхондарёлик Ҳумоюддин Намозов Тошкент педиатрия тиббиёт олийгоҳини тугатганига уч йилдан ошди. Соҳа сир-асрорларини янада чуқурроқ ўрганиш мақсадида Россияда ҳам ўқиб, иш ўрганиб, малакали мутахассис сифатида юртимизга қайтди. Айни пайтда у мазкур марказда кардиожарроҳ бўлиб ишлаши баробарида Бакулев номидаги юрак-қон томир жарроҳлик институтида академик Лео Бокерия раҳбарлигида номзодлик диссертацияси устида илмий изланишлар олиб бормоқда.

— Ишга келганимда бу ердаги шароитлар шунчалик даражада деб ўйламагандим, — дейди Ҳ.Намозов. — Сабаби, ҳозир биз ишлатаётган кардиоускуналар жаҳон стандартларига тўла мос келади. Мен юрак жарроҳлиги амалиёти жараёнида Москвада ҳам худди шундай ускуналардан фойдаланганман.

Қувонарлиси, марказда хорижда малака ошириб келган ўндан ортиқ врач ишлайди. Шу билан бирга, муассаса хорижий давлатларнинг 5 та нуфузли клиникаси билан меморандум имзолагани боис, ўтган йилнинг ўзида шу соҳанинг йигирмага яқин профессори келиб, маҳорат дарси сифатида жарроҳлик амалиёти ўтказиб кетди. Шундай амалиётлар якунида швейцариялик кардиожарроҳ, профессор Терри Карл бундай деганди: “Худди ўзимнинг клиникамда операция қилгандай бўлдим”. Бу сўзлар эса барчамизни ғурурлантириб юборди.

Албатта, буларнинг барчаси юртимизда тиббиёт соҳасига қаратилаётган юксак эътиборнинг яна бир ҳаётий ифодасидир.

## Қўшни давлатлардан ҳам беморлар келмоқда

Бемор ўз дардига шифо топишни хоҳлайди. Бунинг учун ҳар қандай масофани босиб ўтишга тайёр. Энг асосийси, шифокор тажрибали бўлса бас. Бугун Қарши шаҳрига айнан юрак касалликларига даво топиш истагида келаётган инсонлар ўз мақсадига эришмоқда. Жумладан, ўтган 2021 йилнинг ўзида мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон ҳамда Тошкент шаҳри, Тожикистон ва Афғонистондан келиб стационар даволанганлар сони 400 дан ошди. Тиббий кўрикдан ўтганлари эса 400 га яқин бўлди.

— Музработ туманида яшайман, — дейди Мавлон Одилов. — Ёшим олтмишда. Анчадан буён юрагим безовта қилади. Ҳаракатларим сustлашиб, ҳолсизланиб қоладиган бўлдим. Икки-уч жойга бордим, фойдаси бўлмади. Танишларим шу ерда тажрибали мутахассислар борлигини айтди. Адашмаган эканман. Ҳозир аҳволим яхши. Шифокорларнинг борига шукр. Анча вақтдан бери қийнаб келаётган дарддан фориғ қилишди. Эртаиндин жавоб беришмоқчи.

Карим ака Фармонов ҳам бир неча йиллардан бери юрак-қон томир касаллигидан даволаниб келади. Ёши олтмишдан ошган. Бошқа жойлардаги мутахассислардан кўра бу ердаги марказ шифокорлари у кишига маъқул келган. Дарди безовта қилиши билан Қаршига йўл олади.

— Марказ шифокорлари ҳар қандай одамнинг дардига, аввало, ширин сўзи орқали малҳам бўлади, — дейди Карим ота. — Шу боис, ҳар доим безовта бўла бошласам, тўғри шу ерга келавераман.

## Аҳолига дардига қулоқ тутиб...

Кейинги пайтда аҳолига янада яқинлашиш мақсадида Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қарши филиалида бир қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, ҳозир филиалда кардиологлар гуруҳи ташкил этилган бўлиб, режа асосида ҳафтада бир марта ҳудудларда сайёр қабуллар ўтказади.

— Кўрикларнинг чекка ҳудудларда ташкил этилиши одамларга анча қулайлик туғдирмоқда, — дейди марказ филиали раҳбари ўринбосари Ш.Ғаффоров. — Боиси, аҳолининг турли қатламлари мавжуд бўлиб, барчасининг ҳам шаҳарга келиш имкони бўлмаслиги мумкин. Шунингдек, эътиборсизлик оқибатида ҳам бирор жойга мурожаат қилиб кўрмаган. Тажрибали шифокорларимиздан иборат ишчи гуруҳ эса жойларда бўлиб, беморларга хизмат кўрсатмоқда. Ўз вақтида керакли йўлланмалар бериб борилмоқда. Бундан ташқари, тарғибот ишларини ҳам йўлга қўйганмиз. Қабул давомида турли тарғибот материаллари ва буклетлар тарқатамиз. Шунингдек, юрак касалликларининг келиб чиқиш сабаблари, олдини олиш учун қилиниши лозим бўлган ишлар хусусида тушунчалар бериб борамиз. Энг асосийси, соғлом турмуш тарзига риоя қилишлари тўғрисида огоҳлантирамиз. Бу эса аҳоли вакилларига жуда маъқул келмоқда. Ўзларини қизиқтирган саволларига ўша жойнинг ўзида жавоблар олмоқда.

Маълумотларга кўра, мамлакатимизда соҳага қаратилган эътибор натижасида сўнгги беш йилда шифохоналар ва тез тиббий ёрдам пунктларини дори-дармон, тиббиёт буюмлари билан таъминлашга ажратилаётган маблағ 12 баробар кўпайди. Жойларда Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қарши филиали каби янги-янги шифо масканлари иш бошламоқда. Пировардида эса одамларимиз ўз дардига малҳамни бошқа юртлардан эмас, ўз ҳудудларидан топяпти. Инсон қадри юксалаётгани аслида ҳам шу эмасми?!

**Акбар РАҲМОНОВ,**
**“Янги Ўзбекистон” мухбири**

ИЛМ-ФАНДАГИ ОДИМЛАР

# ҚОРАМОЛЛАРНИНГ ГЕНЕТИК ПАСПОРТИ ЯРАТИЛАДИ

## Бу билан уларнинг кўпайтирилишини назорат қилиш имконияти пайдо бўлади

**Шу йилнинг 6-10 июнь кунлари Инновацион ривожланиш вазирлигида “Аграр соҳада инновацион технологиялар” ҳафталиги бўлиб ўтди. Унинг доирасида ўтказилган илмий-амалий семинарларда қишлоқ хўжалиги соҳасида яратилаётган инновацион ишланмалар ва технологиялар, улар ёрдамида етиштирилаётган сифатли ва рақобатбардош янги маҳсулотлар намойиш этилди.**

Семинарнинг иккинчи куни чорвачилик соҳасидаги инновацион технологияларга бағишланди. Тақдимот давомида биотехнология йўналишидаги бир лойиҳа эътиборимизни тортди. Бу “Ноёб зотли ҳайвонларни генетик жиҳатдан паспортлаштириш учун молекуляр панеллар ишлаб чиқиш” мавзусидаги илмий-амалий лойиҳа эди.

Лойиҳа раҳбари — Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти бўлим мудири, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди Ҳусанжон Ғиёсовдан лойиҳанинг долзарблиги, мақсади, вазифалари ва кутилаётган натижалар ҳақида сўрадик.



— Бугун аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда аграр соҳанинг, жумладан, чорвачиликнинг ўрни беқиёс. Кунлик озуқа рационимизни сут, гўшт, парранда гўшти, тухум ва шифобахш асалсиз тасаввур қилолмаймиз. Бу маҳсулотлар асосида турли таом ва егуликлар тайёрлаш мумкин, — дейди Ҳусанжон Ғиёсов. — Чорвачилик амалиётида аксарият ҳолларда зотдор, самарадор жониворни танлаш, унинг насл ва маҳсулдорлик кўрсаткичини баҳолашда анъанавий усуллардан фойдаланиб келинади. Бунинг учун камида 3-4 йил, айрим ҳолларда 5-10 йил керак. Агар уларнинг насли ҳақида ҳужжат бўлса, авлодлари шажараси сифатига қараб баҳоланади. Ҳужжати бўлмаса, онасининг ташқи кўриниши, саломатлиги ва маҳсулдорлигига қараб хулоса қилинади. Агар онаси кўп сут берадиган бўлса, харидор унинг боласи ҳам серсут бўлади, деган фикрда бузоқни харид қилади. Унинг ўсиши ва ривожланиши учун маблағ сарфлайди. Лекин 3-4 йилдан кейин ундан кутилган маҳсулотни олиб бўлмаслиги мумкин. Чунки баъзи ҳолларда юқори маҳсулдор сигирнинг авлодида хўжалик учун фойдали белгилар намоён бўлмайди. Сабаби, жуфтлашиш натижасида ҳосил бўлган гаметтада муҳим генларнинг қулай комбинацияси бузилиб кетади. Шунинг учун бу усулни бутунлай тўғри деб бўлмайди. Бундан ташқари, айрим ҳайвонлар ирсий касалликлар, масалан, гемофилия, яъни лейкоз, адгезия ва бошқа оғир касалликлар ташувчиси бўлиши мумкин. Уларни эрта аниқлаш ва зарур чоралар кўриш муҳим аҳамиятга эга.

Чорва молларни танлашда молекуляр-генетик усуллардан фойдаланиш энг тўғри йўл. Селекция-наслчилик ишларини олиб боришда замонавий геном селекциясидан фойдаланиш ҳам жуда муҳим. Бу илғор технология ҳайвонларнинг насл ва маҳсулдорлик кўрсаткичини эрта аниқлаш ва прогнозлаш, жониворларни қисқа муддатда ишончли генотиплаш, идентификация қилиш, урчитиш учун муносиб жуфтларини танлаш ҳамда селекция ишларини жадаллаштириш имконини беради.

## Уй ҳайвонига паспорт нега керак?

— Лойиҳамизнинг асосий мақсади Ўзбекистонда генетик хилма-хилликни асраш, жумладан, йўқолиб кетиш даражасига келиб қолган миллий Бушуев зотли қорамолларнинг қимматли генофондини молекуляр-генетик тадқиқотлар ўтказиш орқали сақлаш, зотнинг генетик паспортини яратишга қаратилган, — дея фикрини давом эттиради олим. — Шунингдек, лойиҳа Президентимизнинг ўтган йил 1 апрелдаги “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармони ҳамда 2020 йил 25 ноябрдаги “Биотехнологияларни ривожлантириш ва мамлакатнинг биологик хавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида белгиланган топшириқлар ижросига йўналтирилган.

Ҳар бир ҳайвоннинг ДНКси ва генотипи ҳар хил бўлади. Четдан наслли мол келтирилганда унинг қайси зотга мансублиги ва ҳақиқий насл кўрсаткичларини ушбу усул орқали аниқ билиш мумкин.

Четдан келтирилган молларни иссиқ иқлим шароитимиз ҳамда хўжаликларнинг озиқлантириш ва сақлаш шароитларига мослаштириш, замонавий усуллардан фойдаланиб, уларнинг маҳсулдорлигини ошириб бориш ҳам асосий вазифаларимиздан.

Чорвачилик илмий-тадқиқот институти лабораторияларида биотехнология ютуқларидан илгари ҳам фойдаланилган. Масалан, эмбрион транплантацияси амалга оширилган. Лекин лаборатория жиҳозлари эскиргани ва уларни янгилаш учун институтда етарли маблағ бўлмагани учун бу ишлар тўхтаб қолган эди.

Тўғри, ушбу йўналишда олиб бориладиган текширувлар қиммат туради. Кўп янги замонавий генетик тадқиқотлар услубиятини ёшларимиз ҳали мукаммал билмайди. Шу сабабли ёш олимларни стажировкага жўнатишга киришганмиз. Бу борада Инновацион ривожланиш вазирлигининг махсус дастури орқали кўплаб ёш олимларимиз ривожланган давлатларда бўлиб, илғор технологиялардан фойдаланишни ўрганиб келмоқда.

## Ишнинг амалий аҳамияти нимада?

— Лойиҳа доирасидаги тадқиқотлар Тошкент ва Сирдарё вилоятлари хўжаликларида Бушуев зотли ва бошқа наслли қорамолларда ўтказилади. Молекуляр-генетик тадқиқотлар Фанлар академиясининг Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг замонавий лабораториясида олиб борилади, — дейди Ҳусанжон Ғиёсов. — Ўзбекистонда яратилган Бушуев зотли молларнинг қони биринчи марта инновацион технология асосида генетик таҳлил қилинади ва уларнинг генотипи аниқланади. Тоза зотли ва дурагай ҳайвонлар идентификация қилинади.

Ҳар бир мол ДНКси ажратиб олинади, хромосомалардаги насл ва маҳсулдорликка бевосита таъсир этувчи муҳим генларнинг ҳолати ва ўзгариши ўрганилади. Илмий-амалий лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида қатор натижаларга эришилади. Жумладан, Бушуев зотли қорамоллар генофондини сақлаш мақсадида уларнинг ДНК маркерлари аниқланади ва қимматли хўжалик хусусиятига эга генлар полиморфизми баҳоланади. Ҳайвонларнинг хўжалик учун фойдали белгилари генетик жиҳатдан ўрганилиб, мазкур ноёб зотли ҳайвонларни генетик жиҳатдан паспортлаштириш учун молекуляр панеллар ишлаб чиқилади.

Иккинчидан, ушбу зотли қорамолларнинг генетик паспорти ишлаб чиқилади. Генетик паспорт ҳайвонларнинг насл ва маҳсулдорлик кўрсаткичини олдиндан прогнозлаш имконини беради. Насли паст ҳайвонларни эрта аниқлаш ва уларни подадан чиқариш ҳисобига маҳсулдор моллар подасини шакллантириш улар билан олиб бориладиган селекция-наслчилик ишларини жадаллаштиради. Ноёб зотли ҳайвонлар генофондини сақлаб қолиш, маҳсулдорлиги ва бош сонини кўпайтириш имкониятини кенгайтиради.

Учинчидан, юртимизнинг иссиқ иқлимига яхши мослашган Бушуев зотли моллар бош сони ва популяциясини кўпайтириш, уларнинг кўпайтирилишини генетик назорат қилиш имконияти пайдо бўлади.

Тўртинчидан, ноёб зотли ҳайвонларнинг биоматериаллари банки яратилади. ДНК маркерида аниқланади ва қимматли хўжалик кўрсаткичларига эга генлар учун полиморф баҳоланади. Кейинчалик халқаро генетик маълумотлар базасига интеграция қилинадиган маълумотлар банки яратилади.

Лойиҳамиз молиялаштирилгач, институтнинг биотехнология лабораторияси замонавий аппаратлар билан жиҳозланади. Уларда ишловчи кадрларни ҳозирдан тайёрлаяпмиз. Молиялаштириш бошлангач, янги йўналишдаги молекуляр-генетик тадқиқотларга киришамиз. Миллий қорамол зотининг генетик паспортини яратиш ишлари аллақачон бошланган.

Бу чорвачилик соҳасида молекуляр-генетик тадқиқотларга асосланган ва миллий Бушуев қорамол зотининг генетик паспортини яратиш билан якунланадиган истиқболли илмий-амалий лойиҳадир.

Олдимизда бундан-да улкан вазифалар турибди. Юртимизда кўпайтирилаётган бошқа қорамол зотларини, машҳур қорабайир от наслини, қоракўл, жайдари ва ҳисори қўйларни, ангор эчкиларни ҳамда куланги зотли жанговар даканг хўрозларнинг генетик паспортини яратиш шулар жумласидан.



**НОЁБ ЗОТЛИ ҲАЙВОНЛАРНИНГ БИОМАТЕРИАЛЛАРИ БАНКИ ЯРАТИЛАДИ. ДНК МАРКЕРИДА АНИҚЛАНАДИ ВА ҚИММАТЛИ ХЎЖАЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИГА ЭГА ГЕНЛАР УЧУН ПОЛИМОРФ БАҲОЛАНАДИ. КЕЙИНЧАЛИК ХАЛҚАРО ГЕНЕТИК МАЪЛУМОТЛАР БАЗАСИГА ИНТЕГРАЦИЯ ҚИЛИНАДИГАН МАЪЛУМОТЛАР БАНКИ ЯРАТИЛАДИ.**

**Севара АБДУЛЛАЕВА**
**ёзиб олди.**

БОҚИЙ МЕРОС

**“УСТОЗЛАР НАЗАРИГА ТУШИШ МАСАЛАСИГА КЕЛСАК, АВВАЛО, ПРЕЗИДЕНТИМИЗ УСТОЗ-ШОГИРД АНЪАНАСИГА ТАЪБИР ЖОИЗ БЎЛСА, ҚАЙТА ЖОН БЕРГАНИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАШ ЖОИЗ. БУ ЖУДА КАТТА ИЛМ. ИНСОННИ ҲАЁТДА КАТТА МАҚСАДЛАР САРИ ЭЛТАДИГАН ВОСИТА БУ — ИЛМ.**

# МАҚОМ — МИЛЛАТНИНГ БЕБАҲО МУЛКИ

**Яқинда Ўзбекистон халқ артисти Абдуҳошим Исмоилов қутлуғ 70 ёшни қарши олди. Айни муносабат билан ташкил этилган катта концерт дастури “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида бўлиб ўтди.**

**Меҳнат қилган — элда азиз. Ўша куни давлатимиз раҳбари фармонига мувофиқ, устоз санъаткорга “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони берилди. Маданият вазири Озодбек Назарбеков моҳир созанда, бастакор, педагог Абдуҳошим Исмоиловга “Фахрий профессор” гувоҳномасини топширди. Йирик халқ чолғу куйлари (“Чўли Ироқ”, “Насруллойи”, “Наврўзи Ажам” ва бошқалар), мақом йўллари (“Чоргоҳ”, “Сегоҳ”, “Дугоҳ” ва бошқалар)ни яратиб, мумтоз асарлар шайдолари кўнглига бир умрга жо айлаган ўзбек миллий мақомчилик санъати фидойиси билан миллий мусиқа санъати, мақомнинг ҳаётимиздаги ўрни, асл моҳияти хусусида суҳбатлашдик.**


МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА ЎТИНГ.

**— Аввало, табаррук 70 ёшингиз билан табриклаймиз, қўшалоқ унвонлар муборак бўлсин! Санъатга қизиқиш сизга она томондан ўтганини биламиз. Онангиз, тоғаларингиз, акангиздан илк сабоқни олганингизни ҳам эшитганмиз. Лекин ўша пайтда Таваккал Қодиров, Исроилжон Усмонов каби дарғаларнинг назарига тушишингизда, бугунги даражага етишингизда Қувадаги ижодий муҳит катта роль ўйнаган экан...**

— Раҳмат. Аввал айтганимдек, мен оддий созандаман. 4 та симдан иборат бир сознинг эгасига давлатимиз раҳбари томонидан шунча эътибор, шунча эътироф бўлганидан бошим кўкка етди. Санъат кишиси бўлганим, шу йўлни танлаб тўғри қилганимни ўша куни яна бир карра ҳис қилдим.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда барча соҳалар қатори санъатга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мақом санъати, фольклор, эстрада, қўйингки, санъатнинг барча йўналишларини ривожлантириш, бунинг учун замонавий шароитлар яратиш, соҳа ходимларини рағбатлантириш, айниқса, ёши улуғ санъаткорларнинг ҳурмат-эътиборини жойига қўйиш, ёшларнинг янада юксалиши учун уларга қанот бўлиш, миллий санъатимизни халқаро миқёсда кенг тарғиб этиш — барча-барчасининг бошида турган, ҳаммамизни шунга руҳлантираётган Президентимиздан беҳад миннатдормиз. Илгари ҳеч шундай бўлганми? Санъатни қўя туринг, санъаткордан биров ҳол сўраганми? Йўқ! Шундай экан, миллий санъатимиз ривожи ва унинг обрў-нуфузини янада юксалтиришдек олижаноб ишларда давлатимиз раҳбарига куч-қувват, ғайрат-шижоат тилаймиз.

Энди бевосита саволингизга келсак, тўғри айтдингиз, санъатга қизиқишимда, айниқса, онамнинг отаси — 103 ёшга кирган уста Жумарасулхўжа бобомнинг ўрни катта. Бобом Хўжандда катта ансамбль тузган экан. Кейинчалик Ўзбекистоннинг ўша пайтдаги раҳбари Усмон Юсупов Янгийўлда ансамбль ташкил этиб, бобомни шу ерга чақиртирган. У киши чанг, танбур, най чалган. Аммо охирги сози скрипка бўлгани учунми, мен ҳам скрипкани жуда яхши кўрардим, қизиқиб чалгим келарди. Бола эканман-да, 12 ёшимда бир кун бобомнинг скрипкасини сўрамасдан кўтариб келибман. Эртасига бобом уйимизга келиб, онамдан “Фахринисо, бу маҳаллангдан ўғри-пўғри чиқмаганми,” деб сўради. Менинг безовталаниб қолганимни сезган онам “отажон, олманинг тагига олма тушади-да”, деди. Шунда бобом мени чақириб, “нимага скрипкамни олиб келдинг”, деди. Чалишни яхши кўраман-да, дедим. Бобом жиддий бир ҳолатда “оғзинг билан қўлингни оч”, деди. Ҳайрон бўлиб, оғзимни катта очдим. У оғзимга туфлаб, энди биринчи галда буни бетаҳорат ушламасликка сўз бер, деди. Кейин бундан топадиган пулингга, агар ёнингда шерикларинг бўлса, ҳеч қачон хиёнат қилмайман, топилган даромадни тенг тақсимлайман, деб ваъда бер, энг оғири ҳам шу, деди. Ўшанда бола бўлсам-да, “э, унда скрипка чалмайман” демасдан, бобомнинг шартларига рози бўлгандим. Ҳозиргача берган ваъдамнинг устидан чиқиб келяпман.

Устозлар назарига тушиш масаласига келсак, аввало, Президентимиз устоз-шогирд анъанасига таъбир жоиз бўлса, қайта жон берганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Бу жуда катта илм. Инсонни ҳаётда катта мақсадлар сари элтадиган восита бу — илм. Касбини севадиган ҳар қандай ёш устоз кўрса, унинг одоби, ахлоқини, ҳаётга қандай кириб бориш, оилага қандай муносабатда бўлишини ўрганади. Шунинг учун мақом илмий мусиқа дейилади. Тўғри, авлодлар учун мақомни ноталар билан ёзиб мерос қолдириш мумкин. Лекин санъаткорона одоб ҳисобланган юқоридаги жиҳатларни ёшлар устоздан ўрганади. Дарҳақиқат, шу жиҳатларни устозларимдан олганман.

Бугун чекка-чекка ҳудудларда ялт этиб порлаётган иқтидор эгалари ҳам, албатта, ижодий муҳитда вояга етиши, ўша ердаги тажрибали устозлари тарбиясини олиши жуда муҳим, деб ҳисоблайман. Зеро, мақом йўлини тутган, айниқса, устозининг маслагини олган бола ўз-ўзидан эзгулик йўлига киради. Фузулий, Навоий ғазалларидан ижро этиш — ҳақиқий санъат. Фақат устозлар боланинг қалбига йўл топиши, болани хиргойилар билан шундай сеҳрлаши керакки, у 45 дақиқа қандай ўтганини билмай қолиб, кетгиси келмасин. Уни чал, буни чал дейиш билан ўргатиб бўлмайди. Санъат ҳалол, қачонки, унинг покиза кўчаларидан юрсангиз.

**— Суҳбатларингиздан бирида: “Мақомнинг куйини чала олмаса, ўзини куйлай олмаса ҳам эшита билган одамнинг иши юришаверади. Чунки унинг ўзи катта бир тарбия, одоб асосига қурилган”, деган экансиз. Шу фикрларингизга қайтган ҳолда, аввало, мақом санъатига, халқ тили билан айтганда, жайдари тушунча берсангиз. Айниқса, “Шашмақом”ни аксарият ёшларимиз билишмайди. Бухоро, Хоразм, Фарғона-Тошкент мақом йўлларини бир-биридан қайси жиҳатлар билан фарқлаш мумкин?**

— Мақом — бир мўъжиза, барча қўшиқларнинг отаси-онаси. Ҳамма қўшиқлар мақомнинг пардасидан олинади. Устоз Юнус Ражабий мақомни асли Бухородан йиғиб келган. Бу — “Шашмақом”. Унинг ўзи алоҳида йўл. Тошкент-Фарғона йўли эса “Чормақом”. “Чормақом”даги “Чоргоҳ”, “Сегоҳ”, “Баёт”, “Дугоҳ”ларни ҳам устоз мақомни кенгайтириш мақсадида қўшиб юборган. Хоразм йўли ҳам ўзига хос. Негаки, Хоразм хони Муҳаммад Раҳимхон Феруз санъатда жуда қаттиққўл бўлган. Айтишларича, сарой машшоғи ҳар жума қўшнай чалиб, сарпо ва тилла олиб кетаркан. Бир сафар озгина туфуги етмай, бир пардада сезилар-сезилмас бузилиш бўлибди. Сабаби, қўшнай қамишдан бўлгани учун намланиб туриши керак. Уйига борса, Ферузнинг одамлари уйини бузаётган экан. Саройга қайтиб келиб: “Шоҳим, ҳар жума сиздан тилла, сарпо олиб кетар эдим. Бугун борсам, уйимни бузишаётган экан. Бунинг сабабини билай дедим, бола-чақам кўчада қолди”, дебди. Шунда шоҳ: “Уйингиз бузилганига шунча қайғуряпсизми? Сиз куйимнинг битта пардасини бузиб юбордингиз-ку”, деган экан. Шу маънода, санъатда ҳам қаттиққўллик керак. Мақом ҳам замонга қараб ўзгаради. Фақат асосига тегмаган ҳолда, яъни пойдеворини бузмасдан пардоз бериш керак унга. Зеро, мақом санъати ўзининг қочирими, пардози билан туғилган. Фақат у янгилаб турилса, бас. Шунда у одамлар наздида оғир, ғамгин йўналиш бўлиб қолмайди.

**— Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти ташкил этилиши билан мақомчилик санъатида қандай силжишлар кузатиляпти? Қайси энг долзарб масалаларга ечим топилди?**

— Биласизми, бу олийгоҳ Президентимиз ташаббуси билан нимага ташкил қилинди? Нимага мақомчилик, бахшичиликка алоҳида эътибор бўляпти? Бизда мақом илмининг юксаклиги, бу илмий мусиқа эканини давлатимиз раҳбари нозиклик билан чуқур ҳис қилиб, ёшлар нафақат ижрочиликни, балки бу санъатларнинг илмини ҳам мукаммал ўрганиши учун имконият яратди. Шундай экан, мен мақом ансамбли бадиий раҳбариман, институт ўз йўлига, деб юролмайман. Негаки, бу менинг санъатим, жону дилим. Институтни ташкил этиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилганидек, эндиликда бу ерда маданият соҳаси эҳтиёжларидан келиб чиқиб мақом ижрочилиги ва бахшичилик санъати бўйича юқори малакали мутахассислар, илмий-педагог кадрлар тайёрлаш, уларнинг илмий-ижодий фаолият билан шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратилади.

Турли ижодий изланиш ҳамда тадқиқотлар қилиш, соҳада шаклланган ижодий мактабларнинг ўзига хос ижро услуби ва анъаналарини қайта тиклаш ва ривожлантириш устидаги ишлар бошлаб юборилган.

Шунингдек, миллий мусиқа санъати ва халқ ижодиёти йўналишларида ўқув-методик адабиётлар яратиляпти, атоқли бастакорлар, ҳофиз ва созандалар, бахши ва оқинларнинг ижодий меросини чуқур ўрганиш ва қайта тиклаш, мумтоз мусиқа санъати намуналарини нотага кўчириш ишлари амалга ошириляпти.

Миллий мусиқа санъати институтида бугун жуда кўп тажрибали устозлар сабоқ беряпти. Улар орасида кўплаб укаларим, шогирдларим, ўз касбининг фидойилари бор. Салоҳиддин Азизбоев, Ўткирбек Қодиров, Эркин Рўзиматов, Маъруфжон Халилов, Матлуба Дадабоева, Муножат Йўлчиева... Фақат бир нарсани айтган бўлардимки, бугун замон шиддат билан ривожланаётган пайтда мақомни ёшлар қалбига жойлаштиришда иннавацион йўллардан фойдаланиш кераксмас. Қайси маънодаки, телефонга, флешкага кўчиртириб, шу орқали эшиттириш ўрнига, хиргойидан кўпроқ фойдаланилса, талабанинг юрагига санъат сирлари тезроқ етиб боради.

Устоздан жонли эшитганда, талаба унинг ҳолати, дарди-ноласини ҳис қилади. Телефонни кўча-кўйда эшитадиган бўлса, хаёл барибир кўз кўрган нарсаларга кетиб қолади. Ўзингиз ўйланг, ўқитувчининг оғзидан жонли ижро эшитиб ўрганишнинг завқи қаерда-ю, телефондан эшитган қаерда? Яна бир масала. Устозлар талабаларни бўш пайтида мақом ансамблига йўналтириши керак. Негаки, бу ерда жонли ижрога гувоҳ бўлган ёшлар мақомга янада муҳаббат қўяди, ўз-ўзидан ансамблга ҳам боғланади. Афсуски, бундай даражага ҳали етишганимиз йўқ. Аксарият талабалар дарс билангина чекланиб қоляпти. Шунинг учун Баҳодир Йўлдошевнинг “Инсон касби билан гўзал”, деган гапини ҳеч эсимдан чиқармайман. Касби билан гўзал бўлиш учун садоқат керак одамга.

**— Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 17 ноябрдаги қарори Юнус Ражабий номидаги мақом ансамбли фаолиятида қандай ўрин тутди? Мақом фестивалларида бу қай даражада намоён бўляпти?**

— Минг шукрки, Парвардигор бизга барча илмларни севгувчи, қадрловчи бир етакчи берди. Илмли кишиларни ардоқлайдиган бир йўлбошчи берди. Бу шунчаки баландпарвоз гаплар эмас, ҳаётда ўз исботини топаётган, амалда бўлаётган ишлар намоёни. Ўзингиз айтинг, бугун қайси соҳа, қайси илм эътибордан четда? Барча соҳа фидойилари, олимлар назардан четда қоляптими? Ҳеч қайси соҳа, ҳеч қайси олим.

Образли қилиб айтганда, 2017 йилгача мақом бир жойда чанг босиб ётганди. 1974 йилда мақомга кириб келган бўлсам, 40 йилдан зиёд вақт мобайнида бу санъатни ривожлантириш ҳақида бирорта ҳужжат имзоланмади. Умид билан концертларга тайёргарлик кўриб, қўшиқларимизни тақдим этсак, жуда оғир экан, деб охирига келганда мақомни дастурдан олиб ташлашарди. Тушкунликка тушиб, меҳнатимизга ачиниб, қайтиб кетардик. Ойлик маошимиз кам, тайин бир жойимизнинг ўзи йўқ, штатлар кескин қисқариб кетган пайтлар бўлди. Ансамблда 33 кишидан 9 киши қолганимизда ҳам мақомдан кетмадим. Уч марта ишдан четлатишди. Қаерда бўлмай, мақомдан кўнгил узмадим, фаолиятимни тўхтатмадим. Қайтадан чақириб олишди.

Ҳозир шулар ҳақида ўйласам, хаёлимдан кўп гаплар ўтади. Шу кунларга етказганига шукр қиламан. Янги Ўзбекистондаги гўзал ўзгаришларни кўриб қалбим завқланади, илҳом оғушига чўмаман.

Фурсати келганда айтиш жоиз, бугун катта тарихий эврилиш остонасида — конституциявий ислоҳотлар жараёнидамиз. Президентимиз айтганидек, **“Инсон қадри учун” ғоясини ҳамда ҳозирги ислоҳотларимизнинг бош тамойили бўлган “Инсон — жамият — давлат” деган ёндашувни Конституциямизнинг мазмун-моҳиятига чуқур сингдириб, амалий ҳаётимизда бош қадриятга айлантиришимиз зарур.**

Чунки янги Ўзбекистондаги катта ва халқчил ислоҳотлар, ҳаётимиз янада фаровон бўлиши йўлидаги саъй-ҳаракатлар ва биз олдимизга қўйган буюк мақсадлар ўзгаришларни талаб қилади. Бу ўзгаришлар, албатта, бош асосга эга бўлмоғи зарур.

Мана шунинг учун ҳам Конституциямизни эркин ва адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш, ижтимоий, инсонпарвар, демократик давлат қуриш, пировардида, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, қадр-қимматини юксалтириш каби тамойиллар асосида такомилига етказиш ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган ниҳоятда зарур эҳтиёж маҳсулидир.

Демак, халқимизни янада фаровон кунлар кутиб турибди. Бу йўлда биз, санъаткорлар ҳам фидойилик кўрсатиб, бор меҳримизни шу юрт ислоҳотларига беришимиз ҳам қарз, ҳам фарз.

— Ансамблимизга мақомни қайтадан ёзиш топшириғи берилган. Айни пайтда биз “Сароҳбори бузрук”, “Сароҳбори рост”, “Сароҳбори наво”, умуман, сароҳборларни, бузрукларни ёзиб бўлдик. Энди содда қилиб айтганда, буларнинг шохчалари қолди. Президентимиз мақом санъатининг буюк намояндалари издошларини яна кашф этиш йўлида жон куйдириб турса-ю, биз нега фидойиларча меҳнат қилмаслигимиз керак?

Мусиқаларни яқин орада ёзиб тугатиб, янги Ўзбекистоннинг янги мақоми сифатида тақдим қиламиз, у ҳали не-не авлодларга мерос бўлиб қолади ва бутун дунёга чиқади.

**— Кейинги пайтларда миллий созларимиздан кам фойдаланиляпти, деган гапларни эшитиб қоламиз...**

— Йўқ, бу фикрга қўшилмайман. Чунки бугун тадбирларда миллий созларимиздан етарлича фойдаланиляпти. Бироқ ритм билан томошабинни кўпроқ жалб қилиш мумкин. Куй ўша-ўша, лекин замонга қараб қўшимча созлар билан ритм берилиши миллий созлардан фойдаланилмаяпти, дегани эмас.

**— Янги Ўзбекистонда миллий мақомчиликка юксак эътибордан келиб чиқиб, мазкур санъатнинг эртасини қандай тасаввур қиласиз?**

— Ориф Алимахсумов, Тўхтасин Жалилов, Коммуна Исмоилова, Саодат Қобулова, Фаттоҳхон Мамадалиев, Маъмуржон Узоқов, Турғун Алиматов етишиб чиққан юртдан нимага яна шундай улуғ санъаткорлар чиқмаслиги керак? Чиқади, чиқяпти ҳам. Фақат уларни фидойилик билан кашф қилишимиз керак. Дунё ҳали ўзбек мақомини тўлалигича эшитгани йўқ. Буни эшиттириш, миллий мақом санъатимиз сеҳрини тўла намоён қилиш бизнинг вазифамиз. Давлат раҳбарининг ўзи бунга етарлича йўл бериб қўйибдими, бу йўлда собитқадам бўлиб, ҳеч қачон тоймаслигимиз керак.




Музаффар Абдуллаев олган суратлар.

2017 йили давлатимиз раҳбари оламшумул, эзгу бир ишга қўл уриб, “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорни имзолади. Ўша куни залда мен ҳам бор эдим. Президентимиз қарор имзолангани ҳақида айтганда, ғоят қувониб кетганимдан “раҳмат-раҳмат” деб олқишлаганча қарсак чалиб, ўрнимдан туриб кетибман. Ахир қарорда мақом устозлари, соҳа олимларини, мутахассисларни, умидли ижрочиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишлари эътибордан четда қолмаслиги, энди бундай бўлмаслиги ҳақида айтилганди.

Бугунга келиб, ансамблимиз давлат тадбирларида Шерали Жўраев, Муножот Йўлчиева, Ғуломжон Ёқубов, Зулайҳо Бойхонова учун мусиқа чаляпти. 10-15 кунлаб давлат тадбирларига тайёргарлик кўряпмиз. Катта-катта санъаткорлар қўшиқларига мақом ансамбли куй чалиб берсин, дейишяпти.

2018 йилдан бошлаб соҳада фаол ижод қилаётган санъаткорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида “Энг яхши мақом хонандаси”, “Энг яхши мақом созандаси”, “Энг яхши мақом устози”, “Энг яхши мақом тарғиботчиси”, “Энг яхши ёш мақомчи” каби номинациялар бўйича мукофотлар таъсис этиб келинаётгани эса қанчадан-қанча ёш истеъдодларни кашф этишда муҳим омил бўляпти.

Мақом анжуманлари миллий мақомларимиз намуналари билан очиляпти. Ҳатто пандемия пайтида ҳам уйда ўтириб, телефон орқали, видео ёрдамида мақом фестивалига тайёргарлик кўрдик.

**— Айни пайтда ансамбль нималар билан машғул, олдинда турган режалар...**

Бугун ҳар бир вилоятда “Мақом марказлари” ташкил қилинди. Шахсан Президентнинг ўзи улар керакли созлар билан таъминлаб берилишини назорат қиляпти. Ёшларимиз ҳали мақомни чуқур ўрганади. Мақом — мамлакатнинг мулки. 40 йилдан ошдики, ўзим ҳам мақомнинг охирига ҳали етганим йўқ, чунки унинг туби йўқ, чексиз уммондек гап. Юртимизда халқаро мақом санъати фестивали ўтказилиши билан эса оҳанглар алмашади. Ер юзининг бир чеккасида тақир-туқир қилиб юрганларнинг ҳам ўз оҳанги бор. Ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос оҳангини бутун дунё Ўзбекистонда бўлаётган мақом фестивалида билиб олади.

Озарбайжонлар “муғом” дейди, ҳиндларда “рага”, эронларда “дастгоҳ” дейилади. Фарқли ва ўхшаш жойлари бор, албатта. Ҳинд рагасини эшитганимда, сегоҳнинг ҳиди келади баъзан. Ёшларимиз уларнинг муғоми, рагасини айтиб Гран-при олиб келяпти. Лекин бирорта чет эллик ўзбекнинг “Тановар”ини айтиб Гран-при ололмайди. Шу боис, бутун дунё эшита оладиган буюк мақомимиз бор, деб ғурурлана оламиз. Манаман деган оркестрлар ҳам дирижёрсиз 40 минут куйлай олмайди. Бизда эса мана шундай салоҳият, маҳорат бор.

Мақомнинг авж пардаларига овози етмаган санъаткорлар кичкина-кичкина соқийномалар, уфораларини ичида бўлса-да, хиргойи қилиб юришсин. Қўшиқчилик санъатини мақомсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

**“Янги Ўзбекистон” мухбири
Муножат МЎМИНОВА
суҳбатлашди.**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 2089.
85744 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 22:30 Топширилди — 00:50